БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

1990 йил 24 январь Чоршанба
№ 17 (13.453).
Баҳоси 3 тийин.

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган • ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси 22 январь куни бўлиб ўтган мажлисида Партия XXVIII съездига КПСС Марказий Комитети ҳаракат Дастурининг лойиҳасини кўриб чиқди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси лойиҳани батафсил муҳокама қилиб, ҳаракат Дастури қоидаларини асосан маъқуллади ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевга билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олиб, ҳужжатни тўлиқ ишлаб чиқишни топширди. Шундан сўнг лойиҳа Марказий Комитетнинг навбатдаги Пленумига кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Марказий Комитет Сиёсий бюроси Марказий Комитетнинг мазкур масала юзасидан Пленумини 1990 йилнинг 5-6 февралида ўтказишга қарор қилди.

Мажлисда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев билан КПСС Марказий Комитети 1989 йилги навбатдан ташқари декабрь Пленуми қатнашчиларидан бир гуруҳининг Литва ССРга қилган сафари якунлари кўриб чиқилди ва КПСС Марказий Комитети Пленумига тегишли таклифлар ишлаб чиқилди.

С. Абэ бошчилигидаги Япония либерал-демократик партия делегацияси билан М. С. Горбачевнинг учрашуви, шунингдек А. Н. Яковлев ва А. И. Лукьяновнинг суҳбатлари натижалари тўғрисидаги ахборот кўриб чиқилди.

Бўлиб ўтган фикрлашув Совет-Япон сиёсий мулоқотини анча чуқурлаштириш имконини берганлиги таъкидланди. Мулоқотда биринчи маротаба Японияниннг ҳукмрон партияси вакиллари иштирок этишди. Совет-Япон муносабатларини яхшилаш ва турли соҳаларда икки томонлама алоқаларни ривожлантириш учун янги имкониятлар аниқланди. Иккала томон ана шу муносабатларни давр талаблари даражасига олиб чиқиш зарурлиги, ҳозирги дунёда, бугунги жўшқин халқаро турмушда иккала томон роли тўғрисида фикр билдирганликлари муҳимдир. КПСС билан либерал-демократик партия ўртасида партияларaро алоқаларни ривожлантириш тўғрисида Япония томони билдирган таклифга розилик изҳор этилди.

Мажлисда БМТ Бош секретари Х. Перес де Куэльяр билан М. С. Горбачевнинг суҳбати ҳамда Э. А. Шеварднадзенинг учрашувлари якунлари муҳокама қилинди. «Совуқ урушдан» умуминсоний якдилликни вужудга келтириш ва барқарорлик ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш орқали халқаро тараққиётнинг тинч даврига ўтиш жараёнида бирлашган миллатлар ташкилотининг, унинг Хавфсизлик Кенгаши ва Бош секретарининг мавқеи ортиб бораётганлиги таъкидланди. БМТни қўллаб-қувватлаш борасида мамлакат ичкарисида янги сиёсий тафаккурга, қайта қуриш, демократиялаш ва ошкораликка садоқатдан бевосита келиб чиқадиган сиёсий йўл ўзгармаслиги қайд этилди.

Комсомолда ҳисобот ва сайловлар: ҚҚАССР

ЁРИБ ЎТИШ

Қорақалпоғистон вилоят XXXIII комсомол конференциясидан

Ёриб ўтиш деганда асосан кўз олдимизда уруш, тўфонли жанггоҳлар, қуршов манзараси келади. Лекин тинч замонада яна комсомоллар анжумани ҳақида гапирганда бу сўзни ишлатишимиз кўпларга эриш туюлиши табиий.

...Нукус шаҳридаги Станиславский номидаги Давлат театри биносидаги гавжумлик ўтган кетганларнинг диққатини тортади. Баъзилар ҳатто қизиқсиниб шу томонга — театр биносига келиб, нима гаплигини сўроқлаб кетишади.

— Конференция! — дейишади эшикбон йигитлар. — Делегат бўлсангиз киринг.

Конференция. Комсомол ташкилотлари ва фаолларининг ҳисобот давридаги фаолияти, ютуқ ва камчиликлари сарҳисоб қилинадиган йирик тадбир.

Ҳамма жойда бўлгани каби Қорақалпоғистон мухтор жумҳурияти ёшларида ҳам ўз-ўзини бошқариш, мустақиллик ва ташаббускорлик кўрсатишга мойиллик, бу борадаги ҳаракатлар яққол кўзга ташланади. Бу айниқса комсомол-ёшлар коллективлари, ёшлар марказлари, фан-техника ижодкорлиги марказлари фаолиятида ўз аксини топяпти. Масалан, ҳисобот даврида комсомол-ёшлар коллективларининг сони 1059 тага етди. Қорақалпоқ заминида ундирилган ҳар тўққизинчи тонна пахта, гуруч, ғалла комсомол-ёшлар бригадаси ҳиссасидир. Лекин бу борада ютуқларга соя ташлаб турган масалалар ҳам йўқ эмас. Ҳар бешинчи комсомол-ёшлар пахтачилик бригадаси режаларни уддалай олмади.

Ўтган 1989 йилда 153 комсомол-ёшлар коллективи ижара пудрати асосида иш бошлади. Ишлаб чиқаришнинг бу усули ёшларнинг меҳнатга муносабатларини тубдан ўзгартирди. Шуманай ноҳиясидаги Гагарин номли совхознинг Абен Жаумитбоев етакчилигидаги комсомол-ёшлар бригадасининг ялпи маҳсулдорлиги 1988 йилга нисбатан 163 фоизга ошди. Яна бир қувончли мисол. Ўтган йили маккажўхорикор бригадалар ўртасида ўтказилган социалистик мусобақада 35 коллектив қатнашди. Вилоят комсомол қўмитаси ҚҚАССР давлат агросаноати билан биргаликда Амударё ноҳиясидаги Тельман номли совхознинг Қўчқор Шукуралиев етакчилик қилаётган коллектив эришган муваффақиятларни ҳисоблаб чиқди. Маҳсулдорлик бўйича кўрсаткич одатдагидан анча юқорилиги аниқланди. Ишлаб чиқариш илғорлари рағбатлантирилди.



Бундан уч йил муқаддам комсомол қўмитаси олдида ЁФТИ марказлари вилоят кенгаши тузиш масаласи кўндаланг бўлиб турганди. Ҳозир «Тараққиёт» ЁФТИ марказида 150 нафар йигит-қиз фан, техника ютуқларини ҳаётга тадбиқ этиш учун изланяпти. Бир миллион сўмликдан ортиқ ҳажмдаги ишларни бажариш юзасидан шартнома тузилган. Аниқроқ қилиб айтганда марказ турли қурилиш объектлари лойиҳасини тузиш, аҳоли яшайдиган жойларни газлаштириш, автоматлаштириш, мактаблар учун лингофон хоналарни жиҳозлаш каби ишларни амалга ошиpяпти.

Комсомол қўмиталари ЁФТИ системасида иштирок этиш билан бирга ўзларининг хўжалик фаолиятларини ҳам ривожлантиришга алоҳида эътибор беришяпти. Ҳозир вилоятда 15 дан ортиқ ёшлар марказй ва хўжалик ҳисобидаги бошқа бирлашмаси фаолият кўрсатмоқда. Масалан, Тўрткўл ноҳия комсомол қўмитаси ёки Хўжайлидаги «Наврўз» ёшлар маркази ўзининг саккиз ойлик фаолияти давомида 100 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Ёки Хўжайлидаги «Наврўз» ёшлар маркази ҳам хўжалик ҳисобида. Марказ СССР халқ депутати Т. Қаипбергеновнинг накази бўйича посёлкаларни газлаштириш ишларини амалга оширмоқда.

Юқоридаги мисоллар бугун комсомол-ёшлар халқ хўжалигининг турли тармоқларини ривожлантиришда, муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишда фаол иштирок этаётганликларидан далолат. Булар ҳақида, очиғи, конференцияда, вилоят комсомол қўмитасининг биринчи котиби Озод Абдумажидов қилган ҳисобот маърузасидан билдик.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

18 январь куни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари **Б. И. Бугров** мажлисни бошқариб борди.

Мажлисда Хоразм областида Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайловига тайёргарликнинг бориши кўриб чиқилди. Областдаги давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари сайловга тайёргарликдан омманинг ташаббуси ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ривожлантириш учун фойдаланмоқдалар, Ўзбекистон ССР Конституцияси ва янги сайлов қонуни қоидалари асосида бу муҳим ишда демократик принципларни қарор топтиришга ҳаракат қилмоқдалар, деб таъкидланди.

Айни вақтда Президиум шуни таъкидладики, Хоразм области маҳаллий Советлари, уларнинг ижроия комитетлари ишида сайловни ташкил этиш борасида сийқа усулларга, эскича ёндашувларга охиригача барҳам берилмаган. Ижроия комитетлари округ комиссиялари билан биргаликда аҳолининг истиқомат жойларида депутатликка номзод кўрсатиш учун йиғилишлар ташкил этиш ҳуқуқидан етарлича фойдаланмадилар, бир қанча ҳолларда сайловолди конференцияларига тайёргарлик кўриш ва ўтказишга расмиятчилик билан ёндашдилар, гражданлар ва меҳнат коллективларининг сайлов ҳуқуқлари чекланишига оид айрим фактларга ҳамиша ҳам принципиаллик билан баҳо бермадилар. Натижада бир қанча сайлов округларида Советларнинг турли бўғинларига сайловда фақат битта номзод овозга қўйилади.

Президиум Хоразм область халқ депутатлари Советларига сайловолди кампаниясини ташкилий жиҳатдан таъминлаш, сайлов ҳақидаги қонуннинг бузилиши билан боғлиқ ҳар бир фактни қатъият ва принципиаллик билан кўриб чиқиш, жамият турмуши барча соҳаларини қайта қуришда партия йўлини амалда рўёбга чиқаришга қодир бўлган халқ ҳокимияти органларининг таркиб топишига эришиш юзасидан қўшимча тадбирлар кўришни топширди.

Президиум Тошкент область халқ депутатлари Советларининг жамоат тартибини муҳофаза этишни таъминлаш, оғир ва хавфли жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятига раҳбарлик юзасидан ишини муҳокама қилди. Мажлисда область халқ депутатлари Советлари, уларнинг ижроия комитетлари, ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари жиноятчиликка, айниқса жиноятчиликнинг оғир турларига қарши курашда тубдан бурилишни таъминлай олмаганликлари, ўз территорияларида қонунчиликни таъминлаш юзасидан Конституцияда белгилаб қўйилган вазифаларни тўла бажармаётганликлари таъкидланди. Натижада узоқ вақтдан буён областдаги оператив вазият ниҳоятда мураккаб бўлиб турибди, ўғирлик, порахўрлик, шафқатсизлик билан зўравонлик қилиш кескин кўпайди. Олмалиқ, Ангрен, Нариманов, Чирчиқ шаҳарларида, Пискент ва Чиноз районларида аҳвол айниқса ташвишлидир. Бу ерларда оғир жиноятлар икки баравар кўпайди.

Ёшлар ўртасидаги жиноятчилик қарийб 70 фоиз кўпайди. Уюшган жиноятчилик кучаймоқда, такрорий жиноят содир этилишига қарши олиб борилаётган кураш қониқарли эмас.

Ҳуқуқни муҳофаза этиш органларининг ўзида ҳам зарур тартиб ўрнатилмаган. Жиноятларни яшириб, рўйхатга олмаслик, гражданларни ғайриқонуний тарзда ушлаш ва жиноий жавобгарликка тортиш, жиноий ишлар материалларини сохталаштириш ҳолларига барҳам берилмаган.

Халқ депутатлари Советлари ички ишлар органлари кадрларини жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш системасини пишиқтирмаганлар. Жиноятчиликка қарши кураш ишига депутатларнинг уюшмалари ва меҳнаткашлар суст жалб этилган, бу ишда ўртоқлик судлари, кўнгилли дружиналар ва аҳолининг бошқа ташаббускор жамоат органлари мавқеи ва аҳамияти пасайиб кетган.

Президиум Тошкент область, шаҳарлар ва районлар халқ депутатлари Советлари ишини етарли эмас деб топди, қайд этилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан батафсил чоралар кўришни талаб қилди. Ички ишлар министрлигига, адлия министрлигига ва олий судга, Халқ таълими министрлигига ва республиканинг бошқа бир қанча министрликлари ва идораларига тегишли топшириқлар берилди.

Мажлисда Ўзбекистон ССР район (шаҳар) халқ судлари халқ маслаҳатчилари сайлови якунлари ва республика ҳаётининг бошқа масалалари кўриб чиқилди.

ОЗАРБАЙЖОН ВА АРМАНИСТОНДАГИ ВАЗИЯТГА ДОИР

Маълумки, фавқулодда вазиятгина — Бокудаги аҳволнинг ниҳоятда кескинлашуви, ур-йиқитлар, жиноятчи экстремистларнинг оммавий тартибсизлик чиқариб, зўравонлик йўли билан қонуний давлат органларини ҳокимиятдан четлаштиришга уринишлари — Озарбайжон пойтахтида фавқулодда ҳолатни жорий этишга мажбур қилди.

Озарбайжон ССР Министрлар Советининг Раиси, республика сиёсий раҳбариятининг аъзоси А. Н. Муталибов 22 январь куни эрталаб аҳолига мурожаат қилди. Бизнинг ўлкамизга, деди у, катта кулфат келди. Одамлар қурбон бўлишмоқда. Бутун Озарбайжон халқи билан бирга мен ҳам уларнинг ҳалокатидан қайғурмоқдаман, уларнинг ота-оналари, ака-ука ва опа-сингиллари олдида бош эгаман. Ҳар биримиз содир бўлаётган барча ҳодисаларга шахсий жавобгарлигимизни тўла англаяпмиз. Биз республика пойтахтида фавқулодда ҳолат жорий этилишининг олдини олиш учун имкони бўлган барча чораларни кўрганимизни чин дилдан айтаман. Республика суверенитетини тиклаш, экстремистларга қарши курашни кучайтириш амалий чоралари рўёбга чиқарилмоқда, деб таъкидлади сўнгра у. Миллатчи ва экстремист гуруҳларнинг бир қанча ташкилотчилари қўлга олиниб, жиноий жавобгарликка тортилмоқда.

Фактларга қарамай республикада, афсуски, Боку аҳолиси ўртасида неча юзлаб ва ҳатто минглаб қурбонлар, шу жумладан аёллар ва болалар ўртасида қурбонлар бўлаётганлиги тўғрисида миш-мишларни тарқатиш давом этмоқда.

Ҳарбий комендант ўз мурожаатида шуни таъкидладики, аҳоли хавфсизлиги таъминланиши даражасига қараб шаҳарда эълон қилинган фавқулодда ҳолат режими бўшаштириб борилади. Тартибни тиклаш мақсадида ғайри қонуний қурол эгаларига 24 январь соат эрталаб 9 гача уларни район ҳарбий комендатурасининг вакилларига топшириш таклиф этилди.

Кейинги кунларда Арманистонда республиканинг Масис, Севан, Раздан районларида истиқомат қилаётган курдларга нисбатан дўқ-пўписалар кучайиб кетди. Олинган маълумотларга кўра, бир қанча ҳолларда турли норасмий ташкилотларнинг террорчилари қурол-яроғларни қўлга туширишга доир жиноий ҳаракатларни жиноятчи унсурлар билан бирга амалга оширишмоқда.

Шу билан бирга можароларни бартараф этиш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар самара бераётганлиги тўғрисида мисоллар ҳам бор. Арманистонда қуролларни кўнгилли равишда топшириш кенг авж олиб бормоқда. Арарат районидаги Ерасх қишлоғида Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. А. Серобян, Арманистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. М. Даян билан Озарбайжон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. А. Рагимов, Нахичеван область партия комитетининг секретари Р. У. Жалилов ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда СССР халқ депутати, генерал-майор М. С. Сурков ҳамда ички қўшинлар генерал-майори Н. Г. Федосов иштирок этдилар. Можаро янада кучайиб кетишининг олдини олиш мақсадида отишмалар ва тўқнашувларни тўхтатиш учун, қуролли гуруҳларни чегара районларидан олиб чиқиб кетиш учун, шикастланган темир йўл коммуникацияларини тиклаш, Арманистон билан Озарбайжонда поездлар ҳаракатини очиш, Ильичёвск районидаги Керки қишлоғининг автомобиль йўлидаги муҳорасаларни олиб ташлаш учун биргаликда куч-ғайрат сарфлашга қарор қилинди. Чегара қўшинлари командирлари ва сиёсий ташкилотчилари ўтказаётган тушунтириш ишлари натижасида Озарбайжоннинг Зангелан районидаги йўлларда соқчиларни олиб ташлаш тўғрисида аҳдлашувга эришилди.

(ТАСС).

Долзарб мавзу

АЛҲАЗАР, АЛҲАЗАР— ТЎКИЛМОҚДА ҚОН!

Аҳмаджон МУХТОРОВ,

СССР халқ депутати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Ишонгим келмайди. Етти ухлаб тушимга кирмаган. Кўзларим хиралашган. Тилим лол. Ақлим етмайди. Тафаккуримга сиғмайди. Юрак-бағрим эзилади. Вужудим тегирмон тоши остида қолгандай. Кўнглим хира, дилим хун. Кайфиятим йўқ.

Уруш, чинакам уруш. Тинчлик, омонлик, яхшими ё ёмонми — ҳар қалай тўкислик даврида ашаддий душманлик, кескин рақобат. Кўчаларда бронетранспортёрлар, танклар ҳайқириғи. Кўкда самолётлар, вертолётлар. Милтиқлардан, автоматлардан, ҳатто миномёту пулемётлардан ажал ўти ёғилмоқда. Бинолар бузилмоқда, теварак-атроф ёнмоқда. Қон тўкилмоқда. Қора кўзлардан ёш оқмоқда. Мурдалар чўзилиб ётмоқда. Ярадорлар талвасада инграшмоқда. Болалигимда, бутун мамлакат оёққа туриб ёвга қарши курашганда Самарқанд кўчаларидан ҳар куни тобут кўтариб ўтишганини, яъни очлар бандаликни бевақт бажо келтиришганини кўргандим, аммо Боку қабристонлари келиб-келиб бугунги кунда тирбанд бўлишини қаёқдан билибман! Одамлар азалдан яшаб келган Каспий қирғоқларидан бошлари оғган томонга жон жаҳд ила тумтарақай қочишларини ким ўйлабди! Икки миллат бир-бирини ўлдирмоқда, хунини тўкмоқда, барига қирон келтириш ваҳшатида ёнмоқда.

Чегара чизиғи бузилди. Ташқари билан алоқа узилди. Нахичеван Озарбайжон ССРдан, Совет Иттифоқидан ажралиш даъвосини илгари сурди. Партия билетлари, демакки виждонимиз ёндирилди.

Бу не ҳол, бу не даҳшат, бу не манзара, бу не кўргилик?, Турғунликдан қутулиб ривожга юз тутганимизми? Тутқунликдан чиқиб эркинликка дуч келганимизми? Гунгликдан ошкораликка ўтганлигимизми? Сўқир кўзнинг очилишими? Дўстликни рақибликка айлантирганлигимизми? Нозик ҳис-туйғуларни одамкушлик билан алмаштирганимизми? Инсонийликни ҳайвонийликка сотганимизми? Раҳмондан кечиб шайтонга қўл берганимизми? Топган-тутганимизни, бор бисотимизни ўзимиз топтаганимиз, емирганимиз, кўкка совурганимизми?

Билолмадим, тушунолмадим, англолмадим. Жавобини кимдан сўрайлик? Хунрезликнинг сабаблари илдизини қайдан топайлик? Бундай падаркушлик, модаркушлик, фарзандкушлик, биродаркушликнинг интиҳоси бор-йўқлигини қайси донишманд, қайси файласуф, қайси мунажжим, қайси фолбин айтиб берар-кин! Ҳар икки ўртада олиб борилган музокаралар, мунозаралар, баҳслар, учрашувлар, мажлислар, йиғилишлар натижаси қани? Тузилган сон-саноқсиз комиссияларнинг хулосалари қаёқда? Қарорлар-чи, буйруқлар-чи, фармону фармойишлар-чи? Аччиқ-чучук сўзлару панд-насиҳатлар-чи? Сулҳга эришиш йўлидаги ҳадсиз-ҳисобсиз интилишлар-чи?

Ҳаммаси сароб бўлиб чиқди. Икки йилдан ошдики, Қорабоғ деган сўз томирлардаги қонимизни қайнатмоқда. Қарийб бир йил бўлаяптики, СССР халқ депутатлари Съездлари ва Олий Совет сессияларида Қорабоғдан бошқа дардимиз йўқдек — нуқул шу атрофдаги гап-сўзлар. Бу орада эшитганларимни, кўрганларимни, ўқиганларимни миямга сиғдиролмайман. Озарбайжонлик халқ депутати арманини кўришга кўзи йўқ, армани депутат озарбайжонни отишга ўқ тополмайди. Қорабоғ хусусида сўз кетса бормi, аслида мамлакатимизни иқтисодий, молиявий, ижтимоий, маънавий, руҳий инқироздан, тушкунликлардан халос этувчиларга мўлжаллан-ган мўътабар минбар «ҳужум» остида қолади: армани қўйиб озарбайжон чиқади, озарбайжон қўйиб армани кўтарилади. Ҳаё қаёқда, ибо қаёқда, андиша қаёқда! Нафақат уларнинг, ҳаммамизнинг вақтимиз кетади, кўнгил ғашланади, асаблар чатнайди, фикрлар чалғийди, орага совуқлик тушади. Раҳбариятимиз оғиру вазминлик, сабру тоқат посангисини тутади. Оқилу донолар ўртадаги ўтни ўчиришга интилсалар, ғофилу жоҳиллар тонфасидаги айрим шахслар унинг устига мой қуймоқчи бўлишади...

Ҳар куни кўришиб-сўрашиб юрадиганим — депутат дўстларимга юзлашаман:

— Охири нима бўлади, оғайни? — сўрайман Г. С. Игитяндан.

— Даҳшат бўлади!

— Сиз нима дейсиз, азизим? — савол бераман М. Р. Мамедовга.

— Жаҳаннам бўлади!

Худди шундай: даҳшат бу, жаҳаннам бу! Буюк Низомий туғилиб ўсган Ганжада қон ҳиди! Ширинзабон Фузулий номига қўйилган шаҳарда қон ҳиди! Воқиф, Собир, Вурғун, Ризо юртида қон ҳиди! Исакян, Туманян, Сарьян, Капутикян ватанида қон ҳиди! Хачатур Абовяннинг Мирзо Иброҳимов таржимасида чиққан «Турк гўзали» асари саҳифаларида қон ҳиди! Каспий қирғоқларида, Севан бўйларида қон изи!

Азал котиблари ушшоқ
бахтин қора ёзмишлар.

Санинг бахтинг сиёҳ деб
ҳар куни юз бора ёзмишлар!

Фузулий бобомизнинг ана шу ишқий мисраларини хотирдан ўтказарканман, икки халқнинг бахти қаролигидан ўкинаман, қайғураман!

Сен қадимул айёмдан буён Қорабоғ эдинг, келиб-келиб бугун қорадоғ, қорақон, қораном, қораюз бўлиб қолдингми?! Сўлим ва сахий бағрингда озарбайжонларни, арманиларни, бошқа миллатларнинг вакилларини яратган, аллалаган, ўпиб-қучган, ўстириб улғайтирган, ақл-заковат бахш этган, ер юзига шоир, мусиқачи, хонанда, олим, арбоб, саркарда қилиб танитган қутлуғ бешик, мўътабар маскан эканлигингни унутганингча жаҳолат ва қабоҳат жарига айландингми? Яқиндагина бири иккинчисини суйган, суяган, ардоқлаган, осмон қадар улуғлаган фарзандларинг ўзаро қаҳҳору жаббор, қаттолу баттол душман қиёфасига кирдиларми? Наҳотки тарих қаърида қолиб кетган қирғинларни, қатағонларни, хунрезликни қўмсадинг сен, Қорабоғ?!

...Оғир ҳислар, раҳмсиз туйғулар қанотини зўрға тарк этаман-да, бошимни чангаллаганимча ўйга толаман. Ким бошлади? Нимадан бошланди? Қурол-яроғни, портловчи моддаларни, заҳру заққумни қаердан топишди? Қайси кимсага керак эди буларнинг бари? Ленинакан, Спитак фожиаси етмасмиди? Фарғонам ярасини янгиламасанг, куйган жигаримга туз сепмасанг бўлмасмиди! Жавоб излашга интиламан. Минг йиллик Қорабоғ ўрнидан силжимаганди, бировнинг ёқасидан ушламаганди, ўзгаларга оғирлиги тушмаганди. Яқин ўтмишнинг зим-зиё, турғунлик ҳукмрон йилларида ҳаммадек, айтайлик Қорақалпоғистондек, Ёкутистондек, Магадандек, Кузбассдек, Донбасдек ва ҳоказо ярим тўқ — ярим оч, ярим бутун — ярим юпун, ярим уйқуда — ярим бедор, гоҳ мажолли — гоҳ мажолсиз яшаётгандинг-ку!

Кимдир сариқ иблис бўлиб пўстинг остига, илону, чаёну, калтакесак бўлиб қўлтиғингга, қўни-қўнжингга кирди, қонингни бузди, онгингни заҳарлади. Кўп қатори чеккан машаққатларингни туядек қилиб кўрсатди. Ҳолингга ачингандек дод солганича сени Озарбайжондан олиб Арманистонга қўшиш даъвосини кўтариб чиқди. Гўёки бу билан олам гулистонга айланадигандек. Хўш, ким эди ўша шайтони лаин? Авлоду аждоди, наслу насабини қандай аниқлайлик унинг? Топиш керак, тутиш керак, қўлларига кишан урмоқ керак, тергамоқ керак, майдонга олиб чиқмоқ ва жазолашни халққа ҳавола қилмоқ керак! Ҳукм қатъий бўлмоғи, шикоятга ўрин қолмаслиги, тарих учун сабоқ тариқасида қолмоғи зарур!

Иблиснинг домига тушганлар, шайтон васвасасига учганлар, жаҳолат отига минганлар, раҳмсизлик қиличини қайраганларга — менинг азиз дўстларим, биродарларим, маслакдошларим, яъни мусулмон озарбайжонлар, христиан арманилар — ҳаммаю ҳаммангизга мурожаат этаман — фарёдимни тинглангиз: улуғлар руҳини хотирлаб қуролингизни ташланг, қўлларингиздаги қонни қон билан эмас, Апшерон ва Араратнинг оппоқ қорида, тоғу тошни ўпиб тушган шаффоф ёмғирда, шарқироқ шаршараларнинг зилол сувида ювинг, мусулмон Лайли, армани Ширин тақдим этган дастрўмолларга артинг! Сиз тушган йўл нажотга эмас, ҳалокатга элтишини унутманг! Жаҳлни жиловланг, ақлни пешланг! Қадимий юртларингизни ташлаб кетишнинг имкону иложи йўқлигини, яна минг йиллаб, миллион йиллаб қўшничиликда яшаяжагингизни англаб етинг!

Муқаввас қошларингким
вўсма бирла ранг тутмишлар,
Қиличлардурким қонлар
тўкмак ила занг тутмишлар!

Ҳазрат Фузулийнинг нозик ва назокатли бу мисралари маъносини англадингизми? Мавлоно айтмоқчилар: дилбарimнинг қавсга ўхшаган қошлари ўсма зарбидан шу қадар қорайиб кетганки, қон тўка-тўка занглаган қилични эслатади. Ана шу ўйноқи, дилгир, фалсафий ташбеҳни мушоҳада этарканман, ҳар икки халқ қўлидаги қилич қинида занглаганича асрлар оша тураверсин дейман!

...Ғалаёнли XX аср охирида оёғимиз остидан чиқиб қолган жаҳаннам «ижодкори» номини аниқлаш зарурлигини юқорида таъкидлагандим. Бир кунмас бир кун бу баттол сув бетига чиқади, унинг манглайига лаънат тамғаси албатта босилади. Лекин шу ўринда аламли армонимни баён қилмай ўтолмайман. Жангномаларни варақлайлик, уларнинг сарғайган саҳифаларига кўз югуртирайлик. Азал-азалдан ҳарбу зарбларнинг сабабчиси, шоҳлар, амирлар, беклар, саркардалар, эканлигига, ер талашиб, мулк талашиб, нафси бад, ҳирсу ҳавас, кибру ҳаво, фаҳшу айш дея шаҳру қишлоқларни вайроналарга, элу халқни гадога айлантирганликларига дуч келамиз.

Менинг СССР халқ депутати, хоксор ўзбек зиёлиси, кўп қатори қаламкаш, бандаи мўъмин сифатидаги фикрим бундай: учқундан аланга чиқишига боиги иблису шайтоннинг бўғзини бирданига бўғмаган, газандани дарҳол янчиб ташламаган, фуқарога чин ҳақиқатни англатмаган, можаронинг чуқурлашувига бефарқ қараган, қора оғунинг даҳшатини билиб билмасликка олган, бутун қилғиликни ўзидан эмас, бировдан, масалан Москвадан кўрганлар — Озарбайжон ва Арманистоннинг раҳбарлари, ҳар иккала республиканинг бош лавозимдорлари айбдор. Бу ҳақиқатни мен СССР халқ депутатларининг биринчи ва иккинчи Съездларида, ҳам, СССР Олий Советининг ёзги ва кузги сессияларида ҳам юрагимдан ўтказганман, буни бугун «Ёш ленинчи» муштарийларига очиқ изҳор этмоқдаман, яна 20 кундан сўнг бошланадиган анжуманда — СССР Олий Советининг учинчи сессиясида ҳам айтмоқчиман. Ахир элинг-элатинг айтганингни қилмаса, кўрсатган йўлингдан юрмаса, иззатингни тутмаса, нима кераги бор мўътабар курсини эгалламоқнинг?! Кеча эрталаб Озарбайжон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. Р. Везиров (мен у билан бу можаро хусусида неча бор гаплашганман) ишдан олинганлигини эшитиб «Ажаб бўпти! Ниҳоят эсимиз кирибди!» деб қуйдим. Ўйлайманки, бошқаларга ҳам навбат келар. Бу таънани озарбайжонлик ва арманистонлик зиёлилар, халқ таниган, олқишлаган жамики арбоблар, машҳур кишилар шаънига ҳам бемалол айтиш мумкин.

Ўзбекистонда озарбайжон ҳам, армани ҳам бор. Уларнинг қаҳру ғазаб тиғини тутиб туриш бизнинг бурчимиз. Красноводск орқали гурас-гурас келаётган қочоқларга нон едириб, чой ичириб бошқа жойларга жўнатиш менинг ҳамюртларим вазифаси. Озарбайжонга, Арманистонга мадад қилиш юки зиммамизда: бир бармоғингни тишласанг иккинчиси ҳам оғрийди, ахир!

...Алҳазар, алҳазар — қон тўкилмоқда, бегуноҳлар шаҳид бўлишмоқда, қўлу қуруқ қўшилиб ёнмоқда, дўзах олови ловуллламоқда.

Тўхтанг, бас қилинг! Осмонга тикилиб, қўлларингизни очиб онт ичинг, хунрезликка барҳам беринг!

Омонлик, омонлик, омонлик...

Тошкент, 1990 йил
23 январь.

(Боши 1-бетда).

Йўқ, маъруза фақат ижобий ишлар, ютуқларнинг мажмуасидангина иборат бўлиб қолмади. Унда ҳисобот даврида йўл қўйилган камчиликлар, бажарилмай чала қолган ишлар тўғрисида ҳам талай мисоллар келтирилди. Бу ҳақда яхшиси конференция делегатларининг фикрларини билиш ўринлидир.

Конференция бошланишига яна бир кеча бор. Биз Нукус шаҳридаги «Тошкент» меҳмонхонасидамиз. Суҳбатдошларимиз — Тўрткўл ноҳиясидан келган делегатлар.

Янгилжон ЕҚУБОВА, Тўрткўл шаҳридаги ип йигирув ва тўқимачилик фабрикасининг ип ўровчиси, цех комсомол ташкилотининг котиби, ноҳия комсомол қўмитаси бюроси аъзоси.

— Фабрикамизда қишлоқлардан қатнаб ишлайдиганлар ҳам кўпчилик. Аммо бориб келиш қийин. Автобус масаласи чатоқ. Ундан ташқари фабрикамиз ошхонаси талабга жавоб бермайди. Боз устига овқатларнинг баҳоси қиммат. Ёшларни уй-жой билан таъминлаш масаласи ҳам жиддий муаммолигича турибди. Шунинг учун ёшлар фабрикада ишлашга унчалик хоҳиш билдирмаяптилар...

Изоҳ ўрнида шуни қўшимча қилмоқчимизки, 1989 йилнинг май ойида «Ўзбекистон комсомоли» ташвиқот поезди сафари пайтида Янгилжон ишлайдиган фабрикада бўлгандик. Фабрика раҳбарлари ва ишчилари билан мулоқот қилгандик. Ўшанда ҳам юқоридаги муаммолар тилга олинганди. Демак, кўриниб турибдики, шарт-шароитларни яхшилаш, транспорт билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш учун айтарли ҳеч иш қилинмаяпти. Фабрикада 800 дан ошиқроқ киши ишлайди. Шундан 530 нафари — хотин-қиз, 650 нафари эса комсомол аъзоси. Кўриниб турибдики, фабрикада асосан хотин-қизлар, ёшлар ишлашади. Уларнинг муаммоларини ҳал этишда комсомол ташкилоти четда қолиб кетяпти.

Шу ерда яна бир нарсага эътибор берайлик. Ҳозир бизда ишсизлик муаммоси ҳақида кўп гапириляпти. Уни бартараф этиш учун жойларда кичик-кичик корхоналар очиш керак, деяпмиз. Лекин мавжуд корхоналарда эса ишчи кучи етишмайди. Буни қандай тушуниш керак? Масалан, Янгилжон ишлайдиган фабрикага айтишларича яна 300 нафар ишчи зарур.

Бошқа бир суҳбатдошимиз —**Санамжон ОТАЕВА, Тўрткўл шаҳридаги хўжалик буюмлари ишлаб чиқариш заводида тикувчи бўлиб ишлайди. Ноҳия ва вилоят комсомол қўмиталари аъзоси.**

— Бизнинг заводимизда ҳам талай муаммолар бор, — деди у, — ишлаш ва дам олиш учун умуман шароит йўқ.

«Ҳисобот даврида вилоят «Комсомол прожектори» штаби халқ назорати, ОБХСС, ДАИ органлари, санитария-эпидемиология станциялари ва матбуот органлари билан биргаликда юздан ортиқ рейд ўтказди.

«Прожекторчилар» ўқув юртларидаги ошхона ва буфетлар, талабалар ётоқхоналарининг аҳволи, пассажир транспорти, маиший хизмат кўрсатиш нуқталарига алоҳида эътибор бердилар».

Ушбу сатрлар ҳисобот маърузасидан олинди. Афсуски ўтказилган рейдлар натижаси тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган, бирор аниқ мисол келтирилмаган. Аслида Тўрткўл шаҳридаги муаммолар ҳам «прожекторчилар» диққат марказидан четда қолмаслиги лозим эди. Бу борада яна талай эътирозлар бор. Масалан, бизга Нукус шаҳрида кечки соат 7 дан кейин автобус ҳаракати кескин камайиб кетиши ҳақида, зарур пайтда такси чақиришнинг мушкуллиги тўғрисида айтишди. Қолаверса, бу ҳолларни ўзимиз ҳам кузатдик.

Ҳамма жойда бўлгани каби мухтор жумҳуриятда ҳам уй-жой муаммоси тиғиз бўлиб турибди. Вилоят комсомол қўмитаси мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўлларини изляпти, албатта. Тахиатош шаҳридаги ёшлар уй-жой комплекси усулида қурилган 16 квартирали уй 1988 йилнинг сентябрь ойида фойдаланишга топширилганди. Бу йил ҚҚАССР Нозирлар Совети ва вилоят комсомол қўмитаси Нукус шаҳрида биринчи ёшлар уй-жой комплекси қуриш учун биргаликда қарор қабул қилди. 2 минг киши яшашига мўлжалланган комплекснинг лойиҳаси поёнига етиш арафасида. Ўтган йили Нозирлар Советининг қўллаб-қувватлаши билан Нукус шаҳрида 48 квартирали уй қурилиши бошлаб юборилди.

Қисқаси, бу борада ҳар ҳолда сезиларли ишлар қилиняпти. Лекин барибир кам. Конференцияда **вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби ўртоқ С. Д. НИЕТУЛЛАЕВ** сўзга чиқиб, уй-жой муаммоси ҳақида алоҳида гапирди. Қорақалпоғистон бўйича ҳар беш йилда Нукус шаҳри аҳолиси билан баробар болалар туғилар экан. Ҳозир мухтор жумҳурият бўйича 42 минг оила уй-жой олиш учун навбатда турибди. Қорақалпоғистонда камбағаллар сони ҳам миллиондан зиёд.

Бу аҳволдан қутилишнинг йўллари борми? Вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби бу борада ўз фикрларини айтди. Фермер хўжаликларини яхши йўлга қўйиш, ишлаб чиқаришнинг бу усулини кенг оммалаштириш лозимлигини таъкидлади. У мухтор жумҳурият ҳам келаси йилдан хўжалик ҳисобига ўтажаги ҳақида гапириб, бу иборага оддийгина таъриф берди: «Хўжалик ҳисоби халқимиз тили билан оддийгина қилиб айтганда, ўз кунингни ўзинг кўр дегани».

Қорақалпоғистонда Орол билан боғлиқ муаммолар барчамизга аён. Аҳвол чиндан ҳам жуда оғир. Орол инсоният идрокидан чиқиб кетяпти. Ерлар ишдан чиқяпти. Сув шўр. Айтишларича, Нукусда янги уй-жой бинолари атрофига дарахтлар экишса, улар кўп вақт ўтмай қуриб қолаверибди. Маълум бўлишича, дарахт илдизи шўр сувга дуч келади ва қурийди. Ҳаводан эса туз куюни ёғилади.

Вилоят комсомол конференциясида **«Орол бўйи ноҳияларида юзага келган аҳвол тўғрисида»** резолюция қабул қилинди.

Бутун бир авлоднинг кўз ўнгида Орол ҳалок бўляпти. Қийналиб, аста-секинлик билан ўляпти. Атрофидаги борлиқ жонзодни ҳам ўзига эргаштириб кетяпти, дейилади унда. Рост. Орол ўртасида яна бир Оролча пайдо бўлибди. Бу даҳшат. Ҳозир Қорақалпоғистонда «Аралводстрой» ва «Аралводопроводстрой» ташкилотлари фаолият кўрсатаяпти. Уларнинг киссасида миллионлаб пуллар бор. Ана шу пуллардан оқилона фойдаланишда вилоят комсомол қўмитаси ҳам иштирок этиши зарур.

Қорақалпоғистон ҳозир Иттифоқ миқёсида энг хавфли зоналардан бири ҳисобланади. Яқинда Марказий телевидение орқали (15 январь 1990 йил, «7 кун») Орол бўйида ҳар тўрт йигитдан бири ҳарбий хизматга яроқсиз эканлигини айтишди. Орол бўйи ноҳияларида болалар ўлими, турли хасталиклар ҳамон юқори даражада. Оролни «Сокин Чернобиль» деб аташди. Бу ерларда бир ёшгача бўлган ҳар минг боладан 104 нафари ҳалок бўляпти.

Конференция баҳс-мунозараларга бой бўлди. **Қўнғирот ноҳияси комсомол қўмитасининг биринчи котиби Бахтиёр БЕРДИМУРОДОВ** ҳисобот маърузаси юзасидан музокарада сўзга чиқиб, комсомолдаги инқирозий ҳолат ҳақида, ишни орқага тортаётган талай омиллар тўғрисида дадил фикрлар айтди. Сайлов мавсумидаги қарама-қаршиликлар ҳақида куюниб сўзлади. Бахтиёрнинг чиқиши кўпчиликни ғафлат уйқусидан уйғотиб юборгандек бўлади.

Конференцияда **ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг котиби Н. И. КУРЗАНОВА** иштирок этди. У сўзга чиқиб Бахтиёрнинг фикрларига тўла қўшилажагини билдирди. Вилоят комсомол ташкилоти Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига биронта ҳам номзод кўрсатмаганлигини қандай тушуниш мумкин, деди. Биз танаффус пайтида Н. И. Курзанова билан учрашдик.

БИЗНИНГ МУСОҲАБА

— Нина Ивановна, жумҳуриятимиз ҳақида, унинг комсомол-ёшлари фаолияти тўғрисидаги таассуротларингиз қандай?

— Таассуротларим (котиба кулимсирайди). Жуда яхши. Ўзбекистон комсомоли, ҳеч бир иккиланмай айтиш мумкинки, Бутуниттифоқ Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг энг илғор, авангард отрядларидан бири. У ажойиб ватанпарварлик ҳаракатларининг ташаббускори. Муаммоларни ҳал қилишнинг аниқ ечимларини тиним билмай излайди. Ва кўпинча бунга эришади ҳам.

Айниқса, ёшларнинг қайта қуриш ҳаракатида фаол қатнашаётгани кишига қувонч бағишлайди. Ёшларда, хоҳ у союз аъзоси бўлсин, хоҳ бўлмасин сиёсий жўшқинлик тобора кўпроқ намоён бўлаётгани айниқса ёқимлидир.

Бугунги мухтор жумҳурият комсомолларининг конференциясида ҳам ёшларнинг ана шу ҳислати яна бир бор намоён бўлди. Йигит-қизлар ҳеч бир иккиланмасдан, тортинмасдан мавжуд муаммолар тўғрисида дадил фикрлар айтишди. Раҳбар комсомол ходимларининг йўл қўйган камчиликларини рўйи-рост кўрсатиб ўтишди. Айниқса, уларнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳақида куйиниб гапирганликлари диққатга сазовордир. Бугунги кунда Орол тақдири фақат қорақалпоғистонлик ёшларнинггина эмас, балки жумҳуриятни, мамлакатни ташвишга солаётган муаммолардан биридир. Уни ҳеч бир кечиктирмасдан ҳал қилишга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

—Кейинги вақтларда норасмий уюшмалар кўпайиб кетди. Ҳар бирининг ўз олдига қўйган мақсадлари бор. Комсомол ташкилотларининг ана шу уюшмаларга муносабати хусусида нима дейиш мумкин?

— Ҳозирда ҳаракатда бўлган комсомол ташкилотларининг норасмийлар билан муносабати хусусида ВЛКСМ уставида аниқ бир кўрсатма йўқ. Ўйлайманки, комсомолнинг бўлғуси уставида ана шу нарса алоҳида кўрсатилиши зарур. Шундай бўлса-да, норасмийлар хусусида ўзимнинг баъзи фикрларимни ўртоқлашмоқчиман. Аввалambor, уларни (норасмийларни) мустақил ташкилотлар дейилса, кўпроқ тўғрироқ бўлур эди. Чунки уларнинг ҳар бири қандай ташкилотлар бўлишидан қатъий назар мустақил-ку. Шундай экан, комсомол ўз манфаати учун фойдадан ҳоли бўлмаган ҳар қандай мустақиллар билан мулоқотда бўлиши зарур ва шарт. Бу шу куннинг талаби, қайта қуриш талаби.

Умуман, мустақилларнинг (норасмийларнинг) иш фаолиятини комсомол ташкилотлари ҳар тарафлама чуқур ўрганишлари, йигит-қизларнинг умумманфаатини ҳимоя қиладиган яхши хислатларни ўзларига сингдиришлари менимча ёмон бўлмаса керак.

— Яна бир савол. Агар хотирангизда бўлса, ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг VШ пленумида комсомол ходимларининг ойлик маошларини ошириш хусусида гап бўлган эди. У амалга ошди. Ана шу пленумда ВЛКСМ Марказий нашрлари раҳбарларининг ва ижодий ходимларининг ойлик маошларини ошириш хусусида ҳам фикрлар билдирилганди. Лекин бизда ҳамон республика ёшлар газеталари ходимларининг маошлари оширилганича йўқ. Шу хусусда нима дея оласиз?

— Гапингизни тушундим. Ҳақиқатан ҳам ўтган йилнинг сентябрь ойидан бошлаб барча табақадаги комсомол ташкилотлари аппаратидаги хизматчиларнинг ойлик маошлари 40 — 50 фоизгача оширилди. Шунингдек, ВЛКСМ Марказий нашрларида ишловчи ходимларнинг иш ҳақлари ҳам маълум миқдорда кўпайди. Лекин жумҳурият, вилоят ёшлар газеталарининг ойлик маошларини ошириш айнан ВЛКСМ Марказий Қўмитасига боғлиқ эмас. Бу масалани матбуот нашри қайси органга қарашли бўлса, ўша орган ва унинг раҳбарлари ҳал қилишади. Сиз назарда тутиб гапираётган «Ёш ленинчи» газетаси ходимларининг ойлик иш ҳақларини ошириш ҳам айнан Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасига, унинг раҳбарларига боғлиқ.

— Ўзбекистонлик йигит-қизларга тилагингиз?

— Қайта қуриш ишида яна ҳам фаолроқ иштирок этишса, миллатлараро дўстликни мустаҳкамлашса, партияга муносиб ўринбосарлар бўлишса.

Биз конференция жараёнида яна бир ғалати ҳолатга дуч келдик. Аслида бу ҳол янгилик эмас. Аксинча, турғунлик йилларидан қолган расмиятчилик сарқити. Делегатлар орасида конференцияга нима мақсадда келганини билмайдиган ёшлар ҳам бор эди. Айниқса, мактаб ўқувчилари орасида. Биз 9-синф ўқувчиси, мактаб ўқувчилар комсомол ташкилотининг котиби бўлмиш бир йигитча билан мулоқотда бўлдик. Ошкоралик ўз йўлигаку, аммо суҳбатдан сўнг унинг исми шарифини ёзмасликни маъқул кўрдик.

БИЗНИНГ МУСОҲАБА

— ВЛКСМнинг программаси борми?

— Бор.

— Ўқиганмисиз?

— Ҳа.

— Унда нималар дейилган?

— Комсомол коммунизм қурилишида фаол қатнашиши керак дейилган.

— Мактаб комсомол ташкилотида неча ВЛКСМ аъзолари бор?

— Аниқ айтолмайман.

— Комсомол ишига қизиқасизми?

— Йўқ.

— Қизиқ, унда нега комсомол ташкилоти котиблигини зиммангизга олдингиз?

— Сайлаб қўйишган...

— Комсомол қачон ташкил топган?

— 1916 йилда...

Хўш, буни қандай изоҳлаш мумкин? У ҳали комсомол билан яқинроқ танишиб улгурмасдан котибликка сайланибди. Комсомолнинг вазифаси нима эканлигини билмасдан конференция делегати бўлибди. Бундай ҳолатлар афсуски, биргина Қорақалпоғистон вилоят комсомоли ташкилотига тааллуқли эмас. Ҳамма жойда бор...

Конференцияда ВЛКСМнинг XXI съездига ўн бир нафар делегат сайланди.

Ҳайдар АКБАР,
«Ёш ленинчи» махсус мухбири.

* * *

Суратларда: конференция ишидан лавҳалар акс эттирилган.

Суратчи Омонбой МУРАТОВ.

Комсомолда ҳисобот ва сайловлар: ҚҚАССР



ЁРИБ ЎТИШ

Қорақалпоғистон вилоят XXXIII комсомол конференциясидан





Тирик тарихлар

Ўзбекистон комсомоли тарихи музейида РКСМнинг Туркистон биринчи ўлка қурултойига бағишланган учрашув бўлиб ўтди. Бу анжуманга жорий йил роппа-роса 70 йил тўлди.

— Халқимизда бир яхши гап бор — от айланиб-айланиб, қозиғини топади. Бу йил эса от йили, болаларим. Келинг, йўқотган қадриятларимизни топайлик, издан чиқиб кетган ишларимиз йўлига тушиб кетсин.

Геннадий Константинович Хорев бу гапларни бежиз айтгани йўқ. Ахир машаққатли ҳаёти давомида нималарни кўрмади дейсиз. 1922 йил «Комсомоллар — Польша фронтига!» чақириғига жавобан кўнгилли равишда Қизил Армия сафига кирди. Бироқ 17 яшар ўсмирни ҳали балоғат ёшига етмаган деб, Польшага олишмади, босмачиларга қарши кураш бўйича 15-Туркистон ўқчи полкига юборишди. Кейинчалик у ердан ҳам озод қилишди, анча вақт комсомол ишида бўлди. Сўнгра фирқа сафига кирди... Эҳ-ҳе, у кунларни айтаверсак, адоғи бўлмаса керак. Бугун эса унинг учун алоҳида қимматли — Туркистон комсомолларининг 1-ўлка қурултойи ўтган санада у 85 ёшга кирди. Учрашувга келган Тошкент шаҳрининг Октябрь ноҳиясидаги 132 ва 38-мактаб ўқувчилари уни бу қутлуғ кун билан табриклашди.

Г. К. Хоревнинг сафдоши Иван Артёмович Асриев йиғилганларга бирга ишлаган ўртоқлари, оғир қатағон йиллари ҳақида ҳикоя қилиб берди. Ўшанда Акмал Икромов билан Нормат Исроиловларни қамашганидан сўнг уларнинг сафдошларини ҳам халқ душмани сифатида ҳибсга ола бошлашди. НКВД вакили унга тикилиб: «Сен халқ душманисан!» деганида 23 ёшли қизиққон йигит ғазабдан титраб кетган эди.

— Барибир бошимга шундай мусибатли синовлар тушганидан афсусланмайман, — дейди Иван Артёмович, — чунки терговчининг қулоқ чаккасига яхшилаб бир мушт тушириб қолгандим.

Учрашувнинг учинчи меҳмони Салима опа Машраббоевани яқинда Марказқўмга чақириб, тантанали равишда «50 йил фирқа сафида» нишонини топширишди.

— Ҳақиқат бор болаларим, — деди Салима опа. — Бироқ, уни рўёбга чиқариш учун курашиш керак.

Ҳа, опа бутун умр курашиб яшади. 1929 йил оддий қишлоқи қизчани Москвага «Қизил Шарқ» фабрикасига ўқишга юборишди. Қайтиб келгач, комсомол ишларида бўлди. Ўзбекистон комсомоли Марказий Қўмитасида аёллар шўъбасининг мудири бўлди. Бироқ ноҳақлик, турғунлк йиллари уни ҳам четлаб ўтмади... Фирқа сафига опа 42 йилдан сўнггина тикланди. Ҳозир Салима опа ўғил-қизлари, невара-чеваралари ёнида, бутун меҳрини уларга бағишлаган.

— Қадрли ўқувчилар, — деди йиғилишга якун ясаб, ноҳия ветеранлар кенгаши раиси Ғанижон ака Жаҳонгиров. — Сизларнинг мактабларингиз жойлашган Октябрь ноҳиясида жуда кўп комсомол ва фирқа ветеранлари яшашади. Афсус биз улар ҳақида кўп маълумотга эга эмасмиз. Ҳужжатлар жонли хотиралар ўрнини босолмайди. Ветеранларимиз тирик тарихдирлар. Биз улардан иложи борича ҳамма билганларини ёзиб олишимиз керак. Ноҳия комсомол қўмитаси эса бу иш билан шуғулланишга вақт тополмаяпти, шекилли. Шунинг учун сизлардан илтимос «Қидирув» гуруҳи тузинглар. Мен сизларга ветеранларимиз маконларини айтиб бераман. Уларнинг уйларига боринглар, дўстлашинглар, ёрдам керак бўлса, беринглар, кўрган-кечирганларини сўраб, қоғозга тушириб олинглар. Бу ишни жанговар комсомол топшириғи деб қабул қилинг.

Учрашув сўнггида меҳмонлар ва ўқувчилар музей билан танишдилар.

— Бу — янги йилдаги биринчи тадбиримиз, — дейди музей директори И. Розиева. — Олдинда Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқи биринчи қурултойининг 65 йиллиги, «Ўзбекистон комсомоли» ташвиқот поездининг ўн йиллиги, Ғалабанинг 45 йиллигига бағишланган учрашувлар турибди. Уларни қизиқ, давр талабларига жавоб берадиган қилиб ўтказиш учун, ҳозирдан тайёргарлик кўраяпмиз.

Фурқат НЕЪМАТ,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Давр тақозоси

ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАНЛАР РЎЙХАТИ

Ҳозир сталинизм қурбонларининг ноёб картотекасини тузиб чиққан Дмитрий Юрасов номи кўпчиликка таниш. Бироқ у ўзининг бу ишини бундан ўн йил муқаддам бошлаган эди.

— Дима, сермеҳнат, хавфсиз бўлмаган фаолиятингни нимадан бошлаган эдинг?

— Бу шунчаки болаларга хос қизиқувчанликдан бошланганди. Қатағон қилинганлар сўзи кўзимга биринчи бор ташланганда 12-13 ёшда эдим. Отиб ташланган, осилган ёки қандайдир яна сирли йўл билан йўқ қилинганлар дегани нима маъно англатиши қизиқтирарди. Кўп ўтмай, бу нотаниш сўзлар кўпроқ маълум бир йиллар билан ҳамоҳанг эканлигига эътибор бердим. Одатда бу 37-, 38-йилларга... тўғри келарди. Бу қизиқувчан болакайни ҳушёр торттирмаслиги мумкин эмаслигига қўшилсангиз керак.

— Сен тарихга қизиқармидинг?

— Бошқа фанлар қатори қизиқардим. Орадан кўп ўтмай эса, аксинча: ботаника, зоология мени ўзига кўпроқ мафтун эта бошлади. Лекин қатағон қилинганлар билан қизиқиш «дардига чалинганлигимда» эса бунинг акси бўлгани аён, албатта. Мактабда ўтиладиган барча тарих дарсликларини қисқа вақт ичида ҳаммасини ўқиб чиқдим-у, лекин мени қизиқтираётган мавзуга доир кам нарса олдим. Шунда турли-туман энциклопедия нашрларига, справочникларга имкон борича мурожаат қилдим.

— Сенинг изланишларингдан бирор бир кимса хабардор эдими?

— Мен отасиз оддий москвалик оилада ўсдим. Онам эса узоқ муддат ҳеч нимани фаҳмлагани йўқ. Менинг қизиқишимни оилада қўллаб-қувватлайдиган бирор бир киши йўқ эканлигини айтишим мумкин. Бироқ, мана шундай мавзуларда гаплашиладиган оилада ўртоғим бўлган. Бир куни у билан қанча киши қатағон қилинганлиги ҳақида баҳслашиб қолдик. У юз минг киши деб айтди. Бу пайтда менинг қалин дафтаримда бир неча юз исм-шариф қайд этилган эди. Шунинг учун унинг фикрига қўшила олмас эдим. Бундай рақам умуман тасаввуримга сиғмасди.

— Баҳсингиз нима билан тугади?

— Афсус, мен ютқаздим. Биз адабиёт муаллимамиздан сўрадик. У бизнинг сўзларимизни тинглаб бўлиб, паст овоз билан қатағон қилинганлар юз минг кишидан анча кўп, деди. Кейин эса бундан буён ҳеч кимга оғиз очмаслигимизни маслаҳат берди. Мана шундан сўнг ишни давом эттиришга қатъий қарор қилдим. Бундай кенг кўламли ишни эплай олиш менга йўл бўлсин, деб ҳафсалам пир бўлган пайтлар ҳам бўлган...

— Кейин ҳаётинг қандай кечди?

— Мактабни тамомлаганимдан кейин тақиқланган материалларга яқин бўлиш ниятида архивда ишлашга қатъий қарор бердим. Омад кулиб боқди. Октябрь инқилоби Марказий давлат архивига ишга қабул қилишди. Лавозимим ҳам жарангдор. Иккинчи категорияли полеограф, яъни қадимги қўлёзмаларнинг хати ва ташқи кўринишини ўрганувчи. Вазифамга бу ерда сақланаётган делоларга рақам қўйиб чиқиш кирарди. Зерикарли иш эди, албатта. Лекин бу эса мен учун ғоятда зарур эди. Мен ишдан бўшатилишим мумкинлигини ҳам билган ҳолда, таваккал иш юритиб, ўзимни қизиқтирувчи маълумотларни ёзиб олиш имкониятини қўлдан бой бермадим. Ўз олдимга ҳар куни архивдан юз исм-шарифни кўчириб, «олиб чиқиб кетишни» мақсад қилиб қўйдим.

— Сен исм-шарифдан ташқари яна нималарини кўчириб олардинг?

— Биографияларини, ҳукмларни, айбномаларини, ҳакамларнинг исм-шарифларини.

— Кейин нима бўлди?

— Ниҳоят мени қўлга туширишди. Жазолашди. Ишонмайсиз, мени СССР маъмурий-назорат ва суд-сиёсий органларининг архиви сақланадиган жойга ўтказишди.

Армияда хизмат қилиш муддати яқинлашди. Москва тарих-архив институти кечки бўлими талабаси картотекасида бу пайтда 20.000 карточка бор эди. Болалик қизиқувчанлиги ўрнини сталинча қонунсизликлар кўлами тўғрисидаги даҳшатли масала эгаллаб олганлиги тушунарлидир. Бу фақат унинг кенг кўламлиги эди, холос. Уларни юзага келтириб чиқарган сабаблар кирмасди. Бу масалага кейинроқ қайтдим.

— Ишимда узилиш бўлмаслиги учун армияда ҳам дафтаримга мазкур картотекани ёзиб бордим, — деб сўзида давом этади Юрасов. — Бундан ташқари, армия кутубхонасидан излаб топишга мувофиқ бўлган маълумотлар ҳисобидан ҳам картотекани тўлдириб бордим. Хизматимнинг иккинчи йилида «Ака-ука Кагановичлар» сарлавҳали романни (ўша пайтда менга шундай туюлганди) ёза бошладим. Унинг бобларини хизматдошларимга ўқиб берардим, уларга маъқул тушарди. Улар эса: давомини ёз, дейишарди. Бироқ, менинг тингловчиларим орасида кимдир ғоят зийрак чиқиб қолди. Кўп ўтмай, менинг ўқишларим махсус бўлимга маълум бўлиб қолди. Ёзганларимдан воз кечишга мажбур қилишди. Адашдим, деб тавба қил, бўлмаса трибуналга тушасан, дея дўқ-пўписа ҳам қилишди...

— Кейин нима бўлди?

— Худога шукр, тинчиди. Енгил қўрқитиш билан қутилиб қолдим, деб айтиш мумкин. Бироқ армия хизмат муддатини ўтаб қайтганимдан сўнг, эски иш жойимга қайтиб олишмади. Армиядаги ишим ўз кучини кўрсатгани аён. Турли архивларга қатнадим — ҳамма жойдан рад жавобини олдим. Ҳаммасидан умидимни узганимдан кейин Олий суд архивига ва унинг ҳарбий ҳайъатига мурожаат қилишни маслаҳат беришди. Амалда ишим юришишига умидим йўқ эди, суҳбатдан ўтдим. Кейин эса қабул қилишди. Архив эса ғоят катта. Бу ерда 2,5 миллион иш жамланган. Мени ана шу ҳужжатлар сақланадиган жойга юборишди. Вақтни тежаш мақсадида, ўзим учун зарур нарсаларни топишга астойдил киришдим. Ҳар қачонгидагига қараганда ҳам ғоят қизиқиш билан ишга шўнғиб кетдим. Натижада хушёрликни унутиб қўйдим...

Кунлардан бир кун Юрасовнинг иш столи синчиклаб титиб чиқилди. Ҳарбий ҳайъат ишларидан кўчирмалар ёзилган ёзув дафтари ғойиб бўлди. Ўзини эса барча «тартиб-қоидалар» бажо келтирилгандан сўнг, ишдан бўшатишди. Институтдан ҳам ҳайдашди...

— Юк ташувчи бўлиб ишладим, картотека юритишни давом эттирдим. Карточкалар миқдори 150 мингга яқинлашиб қолди. 1986 йили тўпланган материалларни сақлаб қолиш ташвиши тушди. Шунда адабиётчилар марказий уйида сўзга чиқиб, ишимни ошкор қилишга қарор бердим. Кечалардан бирида сўз сўраб, ўз ишимни лўнда тарзда баён қилиб бердим. Ана шундан кейин мени танишди...

— Дима, ҳозир нима ҳисобидан тирикчилик ўтказаяпсан, қандай ишлар билан шуғулланаяпсан?

— Яхши савол. Чунки менга бошқача назар билан қаровчи кишилар гўёки тўплаган маълумотларимни гоҳ ўнгга ва гоҳ сўлга сотаяпти, деган миш-мишлар тарқатишаяпти. Бу мутлақо нотўғри. «Нигоҳ» телекўрсатувидаги мен билан бўлган суҳбатдан сўнг Волгограддан қўнғироқ қилишди ва Волгоград филармонияси номидан жойларда лекциялар билан чиқишимни таклиф этишди. Ҳозир қалам ҳақидан келадиган ҳақ асосий даромадимни ташкил этади. Латвияда чиқадиган «Даугава» журналининг икки сонида мен тайёрлаган қатағон қилинган латишларнинг рўйхати чоп этилди. Бу рўйхат бир неча йил мобайнида қилинган меҳнатимнинг натижасидир. Бошқа регионлар бўйича ҳам шунга ўхшаш рўйхат тайёрлаб беришга тайёрман. Картотекамда 200 минг маълумотнома бор.

— Ҳозир сен очиқликка чиққанингдан кейин ишлаш енгил бўлиб қолдими?

— Нима ҳам дейишим мумкин... Аввал қандай бўлса, ҳозир шундай ҳам мени архивга ишга қабул қилишмаяпти. Институтга тикланганим яхши бўлди. Ҳозир ишлаш енгил бўлганлиги шу маънодаки, менга қатағон қилинганлар ҳақидаги маълумотларни почта орқали жўнатишадиган бўлиб қолишди. Бироқ мен уларни зарур бўлган тарзда қайта ишлаб чиқишга улгурмаётирман.

— Сен муштарийларга қандай истаклар билдиришни ҳоҳлардинг?

— Истак билдириш эмас, балки имкони бўлса, илтимос қилмоқчиман. Кимдаки қатағон қилинганлар қариндош-уруғлари, таниш-билишлари тўғрисида маълумотлар бўлса, мен тайёрлаган анкетани, жуда имкони бўлмаса, унинг айрим бандларига маълумотларни ёзиб юборишларини сўрардим. Бу айбсиз ҳалок бўлганлар хотирасини тиклаш ишига қўшилган ҳисса бўларди. **Анкетада қуйидаги маълумотлар берилади: Фамилияси. 2. Исми. 3. Отасининг исми. 4. Таваллуд топган йили. 5. Ўлган йили. 6. Миллати 7. Партиявийлиги. 8. Ижтимоий келиб чиқиши. 9. Маълумоти. 10. Сўнгги иш жойи ва эгаллаган лавозими. 11. Ҳибсга олиш, қатағон қилиш ҳақидаги маълумотлар. 12. Оқланиш сабабларини кўрсатишларини илтимос қиламан.**

Анкетани қуйидаги адрес бўйича жўнатинг: 117313, Москва, Ленин проспекти, 90-уй, 95-хонадон, Дмитрий Геннадьевич Юрасовга.

Сергей РОМЕЙКОВ,
АПН

МАШРАБ ОЛДИДАГИ ГУНОҲИМ

Муҳсин ЗОКИРОВ

Ўзбек классик адабиёти тарихида ҳаёти, шахсияти ва ижоди Машрабчалик афсоналарга бурканиб кетган сиймо топилмаса керак. Албатта, бунинг ўз тарихий сабаблари мавжуд. Айрим замондошларининг битикларида қайд қилинишича, Машраб ҳаётлик вақтидаёқ у ҳақида халқ орасида айрим латифалар яратила бошланган экан... «Маноқиби хўжам пошо», «Тазкирайи қаландарон» ва шу каби қатор китоблар. Бундай ҳолатнинг ўз тарихий сабаблари бор дедик. Ҳа, шундай бўлишига энг асосий туртки Машрабнинг ҳақгўйлиги, разолат, мунофиқлик, манфаатпарастлик, молу дунёга муккасидан кетиб, давлатманд бўлиш йўлида ҳар қандай пасткашликдан қайтмайдиган тоифалар билан муросасизлиги, ҳоким табақанинг зулм — истибдодга қарши ўз асарлари билан бараллa кураши оллоҳ, дин ва шариат номидан ханнотлик қилиб, фақири фуқаронинг қонини зулукдек сўраётган табақаларни беомон фош қилишида эди. Шоир Балхда дорга осилганидан сўнг (1711 йил) «енгил нафас» олган доиралар унинг оддий фуқаро орасидаги иззат, обрў ва эътиборини ўз манфаатлари йўлида хизмат эттиришга жонжаҳдлари билан киришди. Уни гоҳ «худога етишган вали», гоҳо дарбадар, эс-ҳушини йўқотган ярим жинни деган овоза тарқатдидилар. Алғараз, Машраб ўзининг 350 йиллик умри мобайнида не-не маломатларга тақалмади. Лекин, энг муҳими, ҳақиқий инсон қадрига етувчи, оқ билан қоранинг фарқини ҳар қандай «доною донишманд» ҳокимдан кўра яхшироқ ажратишга қодир оддий меҳнат аҳли улуғ шоирнинг пок номи ва адабий меросини (албатта, қўлидан келганча) асраб-авайлаб келди.

Тўғри, Машраб ҳаётда ҳам, ижодда ҳам ўта зиддиятли сиймо. У минг йиллар мобайнида шарқ мусулмон оламида кенг тарқалган ва жуда чуқур маънавий қудрат касб этмиш сўфилик ёки тасаввуф мазҳабининг тажаллий тариқатининг Ўрта Осиёдан етишиб чиққан энг буюк вакилларидан бири. Бу ўринда ана шу тажаллий тариқати борасида бир оз кенгроқ тўхтаб ўтишга тўғри келади. Насаро, яъни пайғамбар даврида ва ундан анча кейин ҳам ҳали ислом динини қабул қилмаган тарихчиларнинг қолдирган битикларида айтилишича, исломиятнинг илк асарлардаёқ расмий шариат ақоидига нисбатан зид фикрлар вужудга кела бошлаган. Ҳозиргача аниқланмаган, нима сабабдандир сўфи — тасаввуф — мутассаввуф деб номланган кишилар тоифаси бунёдга келди. Бора-бора тасаввуф юқорида зикр этилганидек, жуда қудратли фалсафий оқимга айланди. Турк олими Муҳаммад Али Айний 1911 йилда Истамбулда чоп этилган «Тасаввуф тарихи» китобида, Купрулзоданинг «Турк адабиётинда илк мутассаввуфлар» (1911 йил, Истамбул) асарида мазкур масаланинг мингдан ортиқ таърифи берилган.

Бу ўринда биз учун энг муҳим гап, тасаввуфда кенг тарқалган тажаллий (пантеизм) тариқати ҳақида сўзлашдир. Тажаллий тариқатининг таълимотига кўра олам, одам ва коинот оллоҳнинг зарравий акси, суратидан иборат. Ҳамонки шундай экан, коинот ва табиатдаги ҳар бир ашёда ва демак инсонда ҳам худолик хосияти мавжуд. Чунки ана шу тажаллийлик зарраси вақтинча ўз аслидан ажралган. Турли ҳолатларда табиат ва коинотда намоён бўлган. Охир оқибатда ўз аслига бориб қовушади. Шу боис «аналҳақ» — «мен ҳақ» дейилса, ҳеч қандай гуноҳ эмас деган назарияни тажаллийпарастлар ўрта асрларда фаол равишда тарғиб ва ташвиқ қилишган. Бу ташвиқот, албатта, расмий ислом уламолари ва шариатнинг ақоидчиларини ғазабга келтирган. Улар «аналҳақ» дея бонг ургани учун 822 йилда Мансур Ҳалложни, кейинроқ Абу Язид Бистомийни (Туркияда) дорга осдилар. Худди шу тариқатнинг Хуруфий (Озарбайжон) ғоясини ташвиқ қилгани учун Имодиддин Насимийнинг 1417 йилда тириклайин терисини шилдилар. Лекин шу маслакнинг айрим оқимлари турли даврларда, турлича кўринишда жамият ҳаётида катта тараққийпарвар моҳият касб этди. Машҳур шарқшунос академик А. Кримский ўзининг «Ҳижратнинг таъсирига қадар сўфиликнинг ривожланиши» (1895 йил) асарида шундай дейди: «Мен сўфилик асарларини диққат билан текширишим натижасида, бу маслакнинг тарқалиш сабаблари — ижтимоий сабаблардан иборатдир, деган хулосага келдим. Сўфиликнинг гуллаган даврлари доимо халқ ичида мудҳиш фалокатлар юз берган даврларга тўғри келиши бу фикримни яна бир марта исботлар эди» (Ўша асар, 6-бет). Алқисса, Машраб яшаган давр ижтимоий ҳаётида ҳам худди юқорида таъкидланган манзарани кўрамиз. Ўз даврининг олижаноб фарзанди бўлмиш Машраб ҳам бидъат, хурофот, ёлғон ақоид ва разолат билан чиқиша олмади. У форсча бир ғазалида (айтганча, Машраб асосан туркий, қисман форсча ва арабча шеърлар битган уч тиллик шоир эди) шундай дейди:

Аналҳақ гўйи ижодам,
тажаллийпарвари ишқам,
Мудом аз хуни Мансурам
зи зурри Соғари ишқам.
Шаби ғамро кунад равшан
чароғи дуди оҳиман,
Зинад таъна бари хуршеди

1

маҳшар ахтари ишқам.
На аз куфрам таманнои,
на исломам умедвори,
На донам Каъбау бутхона
аз ҳам кофири ишқам.
На саҳро оҳи Мажнунам,
ба дарё ашки Фарҳодам,
Набошад ҳамчу ман девонаи
баҳру бари ишқам.
Намакпардаи оҳам, шарор
Омадам доғам,
Матои қард умр дорам
ба каф савдогари ишқам.
Шудам пайғамбари савдо,
мани девонаи Машраб
Шафоат мекунанд аҳли
жунунро маҳшари ишқам.

Таржимаси, мен ижодимни (аналҳақдан—ҳақлигимдан) деб биламан ишқ ёлқинини ёқлайман. Оҳим тутунининг шуъласи ғам тунини ёритади. Ишқим юлдузи маҳшар қуёшдан ҳам ўткирлик қилади. Мен куфрни ҳам истамайман, исломни ҳам орзу қилмайман. Ишқим ўти Каъба ва бутхонани бирбиридан фарқ этмайди.

Саҳродаги Мажнун тортган оҳлар мен, Фарҳод тўккан кўз ёшлари дарёси мен. Қуруқлик ва денгизда мендай ишқ телбаси йўқдир. Тотган тузим фақат оҳдир, доғларимдан учқунлар сачрайди. Умр деган матоҳ билан савдо-сотиқ қиладиган савдогарман.

Мен, девона Машраб кўргиликлар пайғамбариман. Ишқим қиёмат куни телбаларни шафоат қилади дея хитоб қиларкан, даҳрийликни эмас, оллоҳ номидан қоидавий бидъат ва ривоятлар битувчи мунофиқ оҳандпарастларга қарши беомон ҳамла қилади, бараллa наъра тортади. Шу руҳдаги ўзбекча ғазал:

Ажаб Мажнундуман, ҳар дашту
саҳрога сиғмамдур,
Дилим дарёи нурдур, мавж
уруб дунёга сиғмамдур.
Шариат ҳам, тариқат ҳам
ҳақиқат мандадур мавжуд,
Чунон султони азмдурман арши
аълоға сиғмамдур.
Ҳалил асо бу йўлда оташи
Намрудду меърожим
Ҳамон дурри ҳақиқатманки,
дар дарёға сиғмамдур.
Ризо мулкида ман халқумни
тутдим тиғи Акбарға,
Бу йўлда сийнаи поки
зебеҳуллоға сиғмамдур.
Агарчанди зиёрат қилмадим
ман Каъбаи зоҳир
Тариқат ҳожисидурманки
Байтуллоға сиғмамдур.
Гаҳи бўлса фақирман, гаҳ
шаҳман, гаҳ гадодурман,
Ажаб девонаман, фардоки
маҳшаргоҳға сиғмамдур.
Мақоми ҳайрат ичра гоҳи
худман, гоҳи беҳудман,
Жунун бозорида мастманки
истиғноға сиғмамдур.
Гаҳи ўрус, гаҳи черкас, гаҳи
мўминдуман, гаҳи
Не кавлайсан, миёни лоу
иллолоға сиғмамдур.
Мудом мискиндурман, лекин
ғуломи Машрабингдурман,
Мани бечора бу дунё билан
уқбоға сиғмамдур.

Мана шу каби инсон шаън-шавкатини, улуғворлигини, «Қуръон»даги «ашшарафул вал инсон» — инсон барча жонзотдан шарафлидир, деган қоидага мос эканлигини шарҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Ҳа, «Бир худодин ўзгаси барча ғалатдур, Машрабо, Гул агар бўлмаса чаккамда тиконни ҳа қилай?» — дея хитоб қилган шоир бутун ижодий умри мобайнида ана шу қоидага изчиллик билан амал қилди. Шу тахлит Машраб шеърларига кўпинча нотўғри талқин берилиб, уни ашаддий даҳрий даражасига кўтаришгача бориб етдик. Шу жумладан, ўзим ҳам 1966 ва 1984 йилларда чоп этилган Машраб ҳақидаги китобларимда билиб-билмас шундай қўпол хатога йўл қўйдим. Яна менинг иккинчи бир кечириб бўлмас гуноҳим, Машрабдек улуғ

2

бузруквор ижодига нисбатан қилган туҳматим шу бўлдики, ўша китобларимни тайёрлаш палласида замонасозлик қилиб, Машрабнинг «Мабдаи нур», ва «Кимё»дек ноёб фалсафий таълимий достонларига қора ранг чаплаб, бу асарлар «Машраб адабий мероси учун иснод» дейиш даражасига етдим. Билмадим, бундай гуноҳи азим учун у улуғ зоти шарифнинг руҳи мени кечирадими, йўқми?.. Ўша диққинафас бир тарихий шароитда айрим «казо-казолар»нинг таъсирига берилиб, айримларидан ҳайиқиб (ҳайиқмай кўринг-чи, сизни чайнаб ғижимлаб, чиқиндига чиқариб, ташлашлари ҳеч гап эмасди-ку, ахир[1]) шундай оғир хатога йўл қўйдим.

Ғафур Ғулом номидан битилган «Икки Машраб» мақоласи «Мабдаи нур», «Кимё» фалсафий достонларида ўзгантлик Рўзибоқий, Машраби сонийга нисбат берилди. (Бу шоир, айрим ривоятларга кўра XVIII асрнинг иккинчи ярмида яшаган). Кўп эҳтимолки, мазкур Рўзибоқий Машраби соний ҳам Жалолиддин Румийнинг «Маснавий»сидан таъсирланиб, унга шарҳ тасниф қилган бўлиши, бу борада Бобораҳим Машраб асарига ва умуман унинг шахси ва меросига эътиқод ва эҳтиром юзасидан ўз шарҳини ҳам «Мабдаи нур соний» деб атаган бўлиши мумкин.

Эндиликда «Мабдаи нур» («Нурнинг ибтидоси») ва «Кимё» фалсафий-таълимий достонлари Машраб қаламига мансуб эканлигини ҳеч иккиланмай, қатъий тасдиқ этаман. Юқорида Машраб ҳақида битилган китобларимда тилга олинган Зиёвуддин Исҳоқ Боғистонийнинг «Тазкирайи қаландарон» асарининг VIII бобида қуйидаги парчани ўқиймиз... «Ўшул йил Бухоройи шарифда дай (қиш) бағоёт шиддатли кечди. Фақир шоҳимла Бухоройи шарифнинг ғарибона қаландархоналарининг эски бир ҳужрасида жойнишин эрдик. Бу аснода шоҳим ҳазрати Мавлавий Румийнинг «Маснавийи маънавий»лариға андоқ мафтун эрдиларки, ул китоби муборакни туркигўлар назариға етказмоқ (**яъни ўзбек тилига таржима қилиш — М. З.**) орзулари ҳам йўқ эрмасди. Баҳор фаслида шоҳим бу фақирни бир юмуш бирла Андижон сафариға кузатмишлар. Бу фақир орадин олти-етти ой ўтиб, кеч кузда Бухоройи шарифга қайтдим. Орадин бир неча фурсат ўттач, шоҳим қўлимға катта даста битикларни тутқазиб, ани ҳуснихат бирла битиб, китобот қилмоқни илтижо қилмишлар. Ўшул даста қоғозлар унвонида «Мабдаи нур» битики фақир назариға намоён бўлди. Алғараз мен сафарда эрканман, шоҳим «Маснавийи маънавий» руҳинда бир китоб тасниф этқонлари менга аён бўлди. У даста битикларни уч-тўрт ой мобайнида кўчуруб, китоб ҳолиға келтурилди...».

Юқоридаги парчани шарҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Энди, «Мабдаи нур» («Нурнинг ибтидоси») ҳақида икки оғиз сўз. Машраб ўз асарини қуйидаги услубда битган: Жалолиддин Румийнинг юқорида зикр этилган фалсафий достонининг илк байти:

Бишнав аз най не ҳикоят
мекунед,
Ваз жудоийҳо шикоят мекунед
(Англағил, най не ҳикоятлар
қилур,
Ким жудолиғдин шикоятлар
қилур) —
тарзида таржима қилади.

Байтга шарҳ бериб, унинг мазмунига монанд бир ҳикоят битади. Шу тариқа «Маънавий» руҳи, ғоявий-бадиий муддаосига мос инсоний фазилатлар ҳақида ривоят қилувчи жуда ибратли фалсафий ахлоқий достон бунёдга келади.

Қиссадан ҳисса шуки, Машраб ҳам улуғ салафлари йўлидан изчил бориб, тасаввуфнинг тажаллий назарияси руҳида ижод қилди. Шу пайтгача сўфиёна тарзда битилган шеърларига фақат қора ранг суртишга одатланган эдик. Аслида ундай эмас. Машрабнинг ўткир ҳажвий руҳда битилган ашъори каби кўпгина сўфиёна шеърлари ҳам объектив жиҳатдан олиб қаралса, диний хурофот, бидъат ва руҳонийлар мунофиқлигини фош этди. «Мўмин мусулмонлар»ни ғафлат уйқусидан уйғотмоқчи бўлди. Ахир шоир:

Шамъи фироқинг кўксимда ёнди,
Кўз ёшим оқиб бағримга томди,
Ғафлатда ётган Машраб
уйғонди,
Ерға етар кун борму,
ёронлар? —
мисраларини бежиз битмагандир?!

Ҳа, халқ ибораси билан айтганда, «жойи ичига сиғмаган» Машраб ва Машрабдек улуғвор сиймолар вужуди ишқ оташида йўғрилди, элу юрт ғамида куюб-ўртаниб ўтди.

Бу битилган иқрорномам билан улуғ буэрукворнинг пок руҳи ва адабий меросига нисбатан қилган улкан гуноҳларимнинг мингдан бирини юволган бўлсам, ўзимни беҳад бахтиёр деб биламан.

1. М. Зокиров. «Эрк ва маърифат куйчилари». Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент, 1984 й. 46-47-бетлар.

3

Хорижадан хабарлар

ЎЗБЕКИСТОН ДЕЛЕГАЦИЯСИ БАЛИ ОРОЛИДА

ДЕНПАСЕР, (Бали ороли), 22 январь. ТАСС мухбири Алексей Петров хабар қилади: СССР Олий Совети Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси М. И. Иброҳимовнинг Индонезияга ташрифи давом этмоқда. У мамлакат бўйлаб сафар қилган чоғида қадимий ноёб маданият маркази, халқ санъати жуда бой анъаналарининг хазинаси Бали оролига борди.

Ўзбекистонлик меҳмонлар Оролнинг асосий муқаддас қадамжоси ва юз минглаб балиликлар зиёрат қиладиган Бесаких ибодатхоналари билан танишди. Бу ибодатхоналар қадим замонларда бунёд этилган. Юксакликка бўй чўзган Бесаких ибодатхоналарининг кўпбосқичли гранит зиналари оролдаги энг катта Гунунг Агунг вулқонининг булутларга туташган чўққиси билан, Бали худолар макони билан биргаликда ажойиб манзара кашф этади. Диний ақидаларга кўра, бу ерда бепоён Бали даҳмаларининг барча худолари ўз кенгашларига йиғиладилар.

Мезбонлар меҳмонларни халқ рақслари билан, шоду ҳуррамлик билан кутиб олдилар, уларнинг устахоналарига ва машҳур Бали ороли усталари — ёғоч ва фил суяги ўймакорлари, кумушга нақш солувчилар, рассомлар ҳамда тош йўнарларнинг асарлари кўргазмасига боришларини ташкил этишди.

Бали оролига сафарини тугатган Ўзбекистон ССР делегацияси Сумарта оролига жўнаб кетди.

М. И. Иброҳимов шу куниёқ Шимолий Сумарта вилоятининг маъмурий маркази бўлган Меъдан шаҳрига келди. Аэропортда уни вилоят губернатори Р. И. Сирегар, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Ҳамкорлик кенгаймоқда

ТОКИО, 22 январь. (ТАСС). Кейинги вақтда Руминиянинг Совет Иттифоқи билан ҳамкорлик муносабатлари янада кенг кўлам касб этмоқда. Румыния Бош министри П. Роман ўзининг Японияда чиқадиган «Асахи» газетасида эълон қилинган мазкур газета мухбири билан суҳбатида шу ҳақда гапирди, «Биз, — деди у, — жаҳондаги барча мамлакатлар билан ҳамкорлик қилишга интиламиз».

Ҳукумат бошлиғи Руминиянинг янги раҳбарияти иқтисодий ислоҳотларни амалга ошира бориб, маҳаллийлаштириш йўналишида иш олиб боришга, аввалги буйруқбозлик усулларидан воз кечишга, бир қанча соҳаларда корхоналар, министрликлар ва идоралар мустақил қарорлар қабул қилишга эришишларига интилавершини қайд этди. Мамлакатнинг диктатурадан мерос қолган иқтисодиёти жуда ёмон аҳволда, деди у, шу сабабдан иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш учун анча вақт керак бўлади. Руминиядан озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти тақиқланганлиги мамлакатдаги шарт-шароит яхши томонга ўзгаргунича сақланиб қолади.

Бош министр шу йилнинг апрелида эркин сайловлар ўтказилиши мўлжалланаётганлиги ҳақида берилган саволга жавоб қайтарар экан, бу сайловларнинг программаси «ўтган йилнинг 22 декабрида Инқилоб майдонида тўпланган кишилар томонидан амалда белгиланганлигини айтди. Биз бажаришни ваъда қилган режаларимизга риоя этишимиз керак. Бироқ яқинда тузилган сиёсий партиялар сайловга тайёрланиш учун вақт етарли эмас, деб ҳисоблашмоқда ва биз уларнинг талабларини эътиборга олишимиз керак».



Германия Демократик Жумҳуриятидаги кейинги туб ўзгаришларни мамлакатимиздаги инқилобий қайта қуриш ишларига қиёсласак, асло хато бўлмас.

Аҳолининг сиёсий фаоллиги тобора ошмоқда. Немис заминида социализмнинг бундан кейинги тараққиёти учун мамлакат ёшлари ҳам фаол курашмоқдалар.

Сиз суратда кўриб турган берлинлик йигит-қизлар озод немис ёшлари иттифоқининг фаолиятини муҳокама этишяпти.

АДН — ТАСС сурати.

Чет эл ёшлари ҳаётидан

БАЙРУТ. Якшанба куни Байрутда Совет олий ўқув юртлари битирувчилари Ливандаги уюшмасининг конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда Совет Иттифоқидаги олий ўқув юртларининг юзлаб собиқ талабалари ва аспирантлари иштирок этдилар. Конференцияга меҳмон сифатида Болгария. Куба, бошқа социалистик мамлакатлар олий ўқув юртларининг битирувчилари, социалистик давлатлар элчихоналарининг вакиллари таклиф қилинди.

Ўзининг йигирма йиллик фаолияти давомида, деб таъкидланди анжуманда. Уюшма Ливан жамиятида муносиб ўрин эгаллади. Шуни дадил айтиш мумкинки, мамлакатда миллий иқтисодиётнинг бирон-бир тармоғи, бирон-бир университет ёки оммавий ахборот органи йўқки, унда Совет олий ўқув юртларининг битирувчилари меҳнат қилмаётган бўлсин. Унинг фаолияти йилдан-йилга тобора кўзга кўринарли ва салмоқли бўлиб бормоқда. Миллий профессионал ва жамоат ташкилотлари уюшма фикри билан ҳисоблашишади, мамлакатдаги сиёсий кучлар унинг нуфузини эътироф этмоқда. Уюшма Ливан-Совет дўстлиги жамияти ишида фаол иштирок этмоқда. Уюшма билан Совет давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасида яхши амалий муносабатлар вужудга келган, бу эса СССР билан Ливан ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Конференция очилишида сўзга чиққан уюшма раиси Бассам Мақдад СССРдаги барча халқларга табрик билан мурожаат қилиб, совет жамиятини қайта қуриш ва янгилаш бу йўлда турган тўсиқлар ва қийинчиликларни енгиб ўтишда уларга муваффақият тилади.

БУЭНОС-АЙРЕС. Аргентинадаги 240 минг оила муттасил тўйиб овқатланмасликдан қийналмоқда, дейилади Аргентина соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар министрлигининг докладида. Шу сабабли мамлакатда ҳар йили бир ёшдан беш ёшгача бўлган тўрт мингдан зиёд бола ҳаётдан кўз юммоқда. Ҳолсизланиб қолган бола организми энг оддий касалликларга ҳам қаршилик кўрсатишга қодир эмас, ваҳоланки, доим яхши овқатланадиган бола организми бундай касалликларни писанд қилмайди.

Докладда келтирилган маълумотларга қараганда, аргентиналик 1,2 миллион бола «энг оддий эҳтиёжлари қондирилмаган оилаларда яшаб, у ёки бу даражада муттасил тўйиб овқатланмаяпти».

(ТАСС).

Телетайп лентасидан

◆ **ҚОБУЛ.** Ўтган уч кеча кундуз мобайнида оппозициячи кучлар Танай ва Самарҳайл уъездлари томонидан Хост шаҳрига яқинлашишга уриниб кўрдилар, аммо улар орқага улоқтириб ташланди. Исёнчилар рўпарадан ҳужумда муваффақиятсизликка учрагач, афғон армияси қисмлари тўпланган жойларни, шунингдек, Гардез, Хост ва Жажи майдон шаҳарларини қаттиқ ўққа тутдилар. Жавоб зарбаси билан 70 дан ортиқ исёнчи, кўплаб оғир тўплар яксон этилди. Ҳукумат қўшинларидан тўрт киши ўлди ва 11 киши ярадор бўлди.

Нангарҳор, Қандаҳор ва Лағмон вилоятларида пистирмалар ва исёнчилар позицияларини ўққа тутиш натижасида оппозициячиларнинг қарийб 90 жангариси сафдан чиқарилди.

«Сарбоз» газетаси армия манбалари ҳабарларига таяниб, ҳозирги вақтда Шимолий Афғонистоннинг Бадахшон вилоятидаги ҳарбий-сиёсий вазият нисбатан осойишта бўлиб турибди, деб хабар берди...

◆ **КОЛОМБО.** Шри-Ланка ташқи ишлар министри Ранжан Вижератне журналистларга Ҳиндистон томони тайёрланган дўстлик тўғрисидаги Ҳиндистон-Шри-Ланка шартномаси лойиҳаси унга берилганини айтди. Ҳозирги вақтда ташқи ишлар министрлиги бу лойиҳани ўрганиб чиқмоқда. Яқин кунлар ичида Деҳли билан шартнома имзолаш тўғрисидаги масала юзасидан келишиб олишга эришиш мақсадида оппозициячи партияларнинг ва бошқа манфаатдор ташкилотларнинг вакиллари билан маслаҳатлашув ўтказилади. Шартномага тааллуқли жиҳатлар тинчликни сақлаб турувчи Ҳиндистон кучларини ороллдан олиб чиқиб кетиш муаммосига мутлақо боғлиқ эмас, деб таъкидлади Р. Вижиратне. У Ҳиндистон 31 мартгача ўз қўшинларини Шри-Ланкадан батамом олиб чиқиб кетиш юзасидан мажбуриятини адо этади, деб ишонч билдирди.

◆ **ДЕҲЛИ.** Хавфсизлик кучлари Ҳиндистоннинг Панжоб штатида террорчилар раҳбарларидан бирини қамоққа олган. Ўзини «Холистон» коммандос кучлари» деб аталган кучларнинг генерал-лейтенанти қилиб кўрсатган ва шериклари орасида «Бабла» лақаби билан машҳур бўлган Гурсеввак Сингх кўплаб қонли жиноятларда айбланиб узоқ вақтдан буён қидирилаётган эди. Унинг боши учун 50 минг рупия мукофот белгиланган эди.

Панжобдаги вазият мазкур штатнинг Ҳиндистон ажратилиши ҳамда «Сикхларнинг мустақил Холистон давлати» тузилишини талаб қилаётган террорчиларнинг ҳуружлари тўхтамаётганлиги туфайли кескин бўлиб қолмоқда. Ўтган кеча кундуз мобайнида у ерда бўлган отишмалар чоғида террорчилардан уч киши ва икки полициячи ўлдирилган, хавфсизлик кучларининг икки вакили, тўрт солдат жароҳатланган.

Айни вақтда, ПТИ агентлигининг хабар қилишича, штатда террорчилик фаолияти билан шуғулланганi учун илгари қамоққа олинган 1400 киши Панжоб ҳукуматининг қарорига кўра озодликка чиқариб юборилди. Улардан кўпчилиги террорчиларга кўмаклашгани учун қамоққа олинган эди. Ҳукумат вакилининг фикрича, бу чора штатдаги вазиятни нормаллаштириш жараёнига кўмаклашади.

◆ **РИМ.** Италия полицияси бир пайтнинг ўзида Римда, Веронада, Неаполда, Болоньяда, шунингдек, мамлакатнинг бошқа саккизта йирик шаҳрида наркотик моддалар савдогарларига қарши кенг кўламда операция ўтказган. Пухта режалаштирилган ва ишлаб чиқилган ана шу тадбир натижасида 108 киши қамоққа олинган.

Полиция вакилининг айтишича, қамоққа олинганларнинг барчаси наркобизнес халқаро тармоғининг аъзоларидир. Улар Италияга Колумбия ҳамда Туркиядан наркотикларни ғайриқонуний равишда етказиб турганликда айбланадилар. Тинтув чоғида улардан кўп миқдорда пул ва чакана савдо учун тайёрланган наркотик моддалар мусодара қилинган. Тергов бошланди.

(ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ЭНГ БАХТСИЗ КУН

◆ ИНГЛИЗ Жеймс Хенгстон жума кунини ўзи учун энг бахтсиз кун деб ҳисоблайди. Ахир, бир кунда шунча «саргузашт» бўлиши мумкинми? Аввалига, лифт бузилиб қолиб, унинг ичида икки соат қолиб кетади, у ердан эсон-омон чиқиб, шахсий дўкончасига борса, не кўз билан кўрсинки, ўғри тушган. Бу ҳам етмагандек, полицияга қўнғироқ қиламан деса, аввалги ойга пул тўламагани учун телефон узиб қўйилган. Бечора Хенгстоннинг автомат-телефондан полицияга қўнғироқ қилишдан ўзга чораси қолмаганди.

ҚАЙСИ СПОРТ... ХАВФСИЗ!

◆ «АГАР футбол ўйинида сиз фақат жароҳат олсангиз, спортнинг баъзи бир турлари ҳаётдан кўз юмишингизга сабаб бўлади!». АҚШ хавфсизлик техникаси бўйича миллий уюшмаси сўнгги беш йилда Америка спортида ўлим билан тугаган воқеаларини ҳисоблаб чиқиб, қилган маърузасида юқоридаги сўзлар бор.

Тадқиқот муаллифлари АҚШда спортнинг бирор тури билан шуғулланувчи ҳар 100 минг кишидан қанчаси бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этганлигини кўриб чиқдилар. Маълум бўлишича, альпинизмда — 599 воқеа, иккинчи ўринда дельтапланеризм — 114. Учинчи ўринда эса — парашют спорти — 24. Спортнинг бошқа ниҳоятда хавфли турларидан: тоғ туризми — 6,4 воқеа, сув остида сузиш — 2,9, тоғ чанғиси — 2,5 воқеа.

ҲАЙКАЛЧАЛАР ИШҚИБОЗИ

◆ ЕВРОПАДА энг катта филлар «тўдаси» Австриянинг Грац шаҳрида, деса ҳеч ким ишонмайди. 59 ёшли банк хизматчиси Виктор Пфайфернинг олтин, кумуш, ёғоч, ойна, чинни ва бошқа материаллардан ишланган 926 та филлар ҳайкалчаси бор. 1980 йилда Пфайфернинг бир дўсти унга совға тариқасида Ҳиндистондан фил ҳайкалчасини келтириб беради. Шу-шу Викторда «филларга» бўлган ишқибозлик бошланди.

Қулатилган дарахтлар ёнидаги ўйлар

Куни кеча «Ўзбекфильм» студиясининг ҳовлисига кирдим, хунук манзарани кўрдим: ўндан ортиқ баҳайбат олма дарахтлари ер бағирлаб ётарди. Мева дарахтлари бутланмаган, парвариш қилинмаган — тагидан арраланган. Энди теп-текис ерда кўққайиб қолган ва ҳар кимда маъюс кайфият уйғотаётган тўнкалар болта билан чопилмоқда эди...

Беихтиёр тўхтаб қолдим. Ўйга ботдим. Бу дарахтлар тагида кўп сайр этганимиз, кино анжуманлари кунлари худди шу соя-салқин жойда студия номидан зиёфат берганимиз ёки пишиб, ободон етилиб ерга тўкилган қирмизак олмаларини териб завқланганимиздан эмас. Ҳосил бериб турган дарахтни таг-туги билан қўпориб ташлашдан олдин ниҳол экиб, вояга етказилмагани ўйлантириб қўйди.

Катта дарахт ёнига ёш кўчат экилиб, ҳосилга кирганидан кейин кутиш керак эмасмиди? Қалин дарахт ниҳолларини жазирама кунлари ёз чилласи қуёшнинг аёвсиз нурларидан сақламасмиди! Кўчат ўсиб, улғайиб, фалакка бўй чўза бошлаганида табиат қонунига биноан хосилдан олдинги қари дарахтларнинг ўрни уларга бўшатиб берилмасмиди?

Табиат кўринишларига оз бўлса-да, таъсир кўрсата оламиз. Лекин ана шу имкониятдан фойдаланиш учун ҳам атроф-муҳитга меҳр билан боқиш, эртанги кун ҳақида ўйлаш, қайғуриш зарурлигига яна бир бор ишондим. Ўша қулатилган дарахтларни ўтказиб, суғориб, чуқур илдиз отгунга қадар авайлаганлар (жумладан, студиямизнинг 1958—1961 йиллардаги директори Мумтоз Муҳамедов) мевасидан баҳраманд бўлмаганлар. Бу ҳақда ўйлаганлари ҳам. Чорак аср гуллаб, олдин нишонага, кейин мўл-кўл ҳосил қилиб, студия ҳовлисига қалин соя ташлаб турган дарахтлар кесилибди-ю, ўрни бўшаб қолибди...

Буни қарангки, ижодий ҳаётда ҳам шундай фожиалар рўй бериб туради. Кексалар ҳаётдан кўз юмади-ю, уларнинг ўрнини босадиган шогирдлар етишиб чиқмаган бўлади. Уста қалам соҳиби, ўткир режиссёр, моҳир актёр ўз вақтида қадрланмаганиданми ёҳуд ўзларининг айблари биланми — ҳар қалай ижод сирлари ҳақидаги билимларини ўзлари билан олиб кетган вақтлар бўлади. Бундан Наби Ғаниев истисно. Унинг халқ оғзаки ижодиёти намуналари ҳақидаги назарий мулоҳазалари озарбайжон қизи Зебо Ғаниева ҳам санъаткор, ҳам олима бўлиб етишишида муҳим омил бўлди. Ўнлаб шогирдлар 37 йил муқаддам вафот этган устозлари Наби Ғаниевнинг маданияти, заковати, ноёб истеъдоди, мурувватидан баҳраманд бўлганликларини айтадилар.

Бундай мисоллар йўқ эмас. Бор. Лекин оз. Дарахт кесилиб, илдизлар чопилиб, улар ўрнида хунук, беўхшов чуқур қолганидек, ижод аҳлининг ўрни узоқ йилларгача билиниб, студиялар ҳувиллаб қолган вақтлар кўп бўлади, бахтга қарши. Ўз вақтида устозлар ўрнини босадиганлар ҳақида қайғурмайди ҳеч ким... Бадиий кинода сиёсий мавзуни Зоҳид Собитовдек ёритадиган режиссёр борми эндиликда? Ҳажвий ролларни Раҳим Пирмуҳамедовдек ўринлатиб ўйнайдиган киноактёрчи? Йўлдош Аъзамовдек ҳам роль ўйнайдиган, ҳам режиссёрлик қиладиган сермаҳсул санъаткорчи? Наримон Латиповдек юксак эҳтирос ила ўз қаҳрамонига тавсиф берадиган актёрчи? Шарқ маданиятини ўзлаштириб, ўткир кино мусаввири бўлиб етишган Варшаам Еремяннинг ўрнини ким босди?.. (у безаган «Тоҳир ва Зуҳра», «Алишер Навоий», «Абу Али ибн Сино» фильмларини эсланг).

Бу саволларнинг биророртасига — улар жуда кўп — ижобий жавоб бериб бўлмайди. Шундай экан, бу санъаткорларни кўрган кино аҳли қисман бўлсада хотираларни тўпланганга ўрнини кўриш фойдали бўларди. Бунинг учун хотиралар китобларини муттасил нашр этиб туришимиз, кинематографчилар уйида, кино-театрларда, саройларда, клубларда кино арбоблари ижоди билан боғлиқ бўлган муаммолар ҳақида ҳикоя қилишимиз ҳамда бошқаларнинг мулоҳазаларини тинглашимиз зарур. Шу вақтгача биорта кино арбобига бағишланган хотиралар китоб шаклида чоп этилмаганига нима дейсиз? Ваҳоланки Худойберган Девоновни, Наби Ғаниевни кўрганлар, билганларнинг сони саноқли қолди.

Кино аҳли уйида декабрь ойида (1989) ўтказилган кечада эса бир йўла уч санъаткор Й. Аъзамов, М. Ёқубова, З. Собитов ҳақида ҳикоя қилишга бағишланди. Бир-биридан ҳар жиҳатдан узоқ бўлган уч арбобни эсламоқчи бўлдилар. Гап қовушмаган, бир-бирига уланмаган ҳеч кимни ажаблантирмади ҳам. Ахир ёзувчилар бир ижодий кечани Сўфизода ва Чўлпонга, Фитрат ва Усмон Носирга бағишламайдилар-ку!..

Бундай мулоҳазалар билан хотира кечаларининг барчаси олдин тузилган сценарий бўйича ўтиши аниқроғи, бир андоза билан ўтганини, баҳоланиши керак, демоқчи эмасмиз, асло. Лекин эски, қолипга тушиб қолган тантанали учрашув, дабдабали кечалар, узундан-узун маърузалардан иборат бўлган анжуманлардан воз кечиш вақти келганини ҳам айтиб ўтамиз. Хусусан, Р. Пирмуҳамедов ижодини кинематографиямизда комедия жанри машаққатли йўл босиб ўтгани билан узвий боғланган ҳолда ёритиш фойдали бўлмасмикин! Кўп унвонлар билан тақдирланган Комил Ёрматовнинг фаолиятида эса юксак бадиийлик ва ҳозирлик («Алишер Навоий» ҳамда «Гуллар очилганда», «Уйқусиз йўл» фильмларининг эстетик савиясини эсланг), ғоявий терансизлик ва саёзлик кўзга ташланишини («Осиё устида бўрон» ва «Кора консулнинг тугатилиши»нинг бир-бирига қиёс қилиб кўринг) бугун очиқ-ойдин айтишимиз керак. Абубакир Иброҳимов, Ғулом Шоисаев, Йўлдош Муқимов, Орифжон Турсунов, Шер Зоҳидов, Муҳаммаджон Саидов каби кинематографиямизнинг қалдирғочлари ҳақида тез орада фикр юритиш ҳам амри маҳол бўлиб қолади. Зеро, уларнинг ҳаёти, ижодий-ижтимоий фаолияти ҳақида маълумотга эга бўлганларни топиш ҳам қийин бўлиб қолмоқда...

Кинематографчилар уюшмаси ўлмас сиймолар ҳамиша ёдимизда, диққатимиз марказида бўлиши учун зудлик билан тадбирлар қўллаши зарур кўринади. Масалан, долзарб мавзуни ёритган публицистик асарга Х. Девонов номидаги мукофот берилиши, миллий характернинг ўзига хос талқини учун Н. Ғаниев номидаги совриn таъсис этилиши, ўринлатиб ижро этилган ҳажвий роль учун Р. Пирмуҳамедов номидаги мукофот топширилиши ҳар жиҳатдан фойдали бўлмайдими?

Бундай масалалар билан муттасил шуғулланилмаса маданиятимизнинг таркибий қисми бўлмиш кино ҳамда унинг арбоблари ҳақидаги рисолалар тўлиқ, ҳаққоний бўлиши қийин. Қайта қуриш даври тарихни, жумладан, кинематографиямиз 65 йилда босиб ўтган йўлни барча тафсилотлари билан, зиддиятлари, ютуқ ва нуқсонлари ила ёритишни талаб этади. Шундай экан, бу соҳада қилинган ишларга якун ясаб, демократия, ошкоралик туфайли қўлга киритилган имкониятларни ҳар бир фильм ва унинг ижодкорлари (режиссёрдан тортиб овоз операторигача) ҳақида тўғри тушунча берайликки, биз чизган «кино манзараси» безалмаган, пардозланмаган — ҳаққоний бўлсин. Миллий кинематографиямизнинг кечаги ва бугунги куни қайта идрок этилаётган даврда ҳар бир янги маълумот, фактологик материаллар асосланган назарий ўйлар, хотира саҳифаларини нашр этиш ҳам бу ишда асқотади.

Ҳамидулла АКБАРОВ.



Спорт олами ўзининг ранг-баранглиги билан неча замонлардан бери одамларни ҳайратга солиб келади. Дунёнинг у чеккасида кечагина мухлисларни ҳайратга солган рекорд бугун бу чеккасида содир бўлади.

Яқин-яқин йилларда «сув пари»ларининг маҳоратлари олдида ёқа ушлардик. «Ажабо, сувда рақс тушиб бўларканми?!» деб. Бугунги кунда эса бу спорт тури бизнинг мамлакатимизда ҳам анча оммавийлашиб кетди. Ҳозирги кунда Ирина Потёмкина, Елена Осипова, Анастасия Лифоренко, Ольга Белая, Наталья Горшковалар иштирок этаётган «Рус инжуси» деб номланган сув балети ансамбли ўз репертуарини кун сайин янги-янги номерлар билан бойитиб бораяпти. Коллективнинг чиқишларини чет элларда ҳам мухлислар орзиқиб кутишаяпти.

Ансамблга Татьяна Зибарева устозлик қилаяпти.

СУРАТЛАРДА: Синхронли сузиш бўйича бир неча марта мамлакат чемпиони Ирина Потёмкина (юқорида).

Пастдаги суратда эса ансамбль ижросида қўйилаётган спектаклдан бир кўриниш.

И. Уткин суратлари.

(ТАСС).





Инқилобчи шоир музейида

Қадимдан шоир, олим ва санъаткорлар шаҳри сифатида шуҳрат қозонган Қўқон Фарғона водийсининг энг қўҳна маданий ўчоқларидан биридир. Адабий анъаналарга бой бўлган Қўқонди латифда яна бир маданий даргоҳ қад кўтариб, адабиёт мухлисларини чорламоқда. Бу ўзбек адабиёти ва санъатининг асосчиларидан бири, моҳир муаллим, фаол жамоатчи Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий музейидир. Музей 1989 йилнинг 18 май куни — шоир таваллудининг 100 йиллик тантаналари куни очилди. Бино меъмор С. С. Сутягиннинг лойиҳаси асосида барпо қилинди. Музей уч қаватдан иборат бўлиб, 1- ва 2-қаватларда кино, кўргазма заллари, учинчи қаватда эса экспозиция бўлими жойлашган.

Музей экспозицияси материаллари Фарғона вилоят адабиёт музейи фонд материаллари, илмий ходимларининг изланишлари натижасида топилган топилмалар, Шарқшунослик, Қўлёзмалар, институтлари Ҳамза фондидан олинган фотонусхалар билан бойитилди. Шунинг билан бирга К. Яшин, Ю. Султонов, Тамарахоним, Ҳ. Носирова, Лутфихон ая Саримсоқова каби адиб ва санъаткорларимиз ўзларининг Ҳамза ҳақидаги хотираларини, турли нашрдаги китоблар ва нодир фотоларни музейга совға қилдилар.

Кўргазма залидан ўрин олган тасвирий санъат асарлари силсиласи «Ҳамза ва унинг устозлари тасвирий санъатда» деб номланган. Ҳамза Навоий ижодидан баҳраманд бўлди, Писандийнинг ўткир сатирик асарларидан илҳом олди, устоз ва дўстлари Иброҳим Даврон, Мирзон Ҳуқандийлар билан маданиятимиз ривожи йўлида хизмат қилди. Кўргазмада ушбу адибларимизнинг портретлари билан бирга Токмининнинг «Ҳамза — ўқитувчи» ва А. Абдуллаевнинг бир қатор тасвирий санъат асарлари бор.

Музейнинг экспозиция бўлими Ҳамза ва унинг сафдошлари ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилади. Стенддаги фотосуратлардан бирида шоирнинг 22 ёшлик чоғи акс этган. 1911 йилга мансуб бу суратда шоир ўша давр ўзбек зиёлиларига хос либосда гавдаланиб турибди. Сурат қаршисида худди шу йили Ҳожибек гузарида, 1914 йили Шайхулислом гузарида мактаб очганлигига алоқадор ҳужжатларни, «Пушти гул» асарининг Ҳамзанинг табаррук дастхати билан ёзилган нусхасини, «Оқ гул», «Сариқ гул», «Сафсар гул» каби тўпламларини кўриш мумкин.

Экспозиция зали тўрида Ҳ. Ҳусниддинхўжаев томонидан яратилган шоирнинг ҳайкали жойлашган. Оловли йиллар тасвирланган суратлар орасида Ҳамзанинг «Яша, Шўро!», «Ҳой ишчилар!», «Биз ишчимиз» каби шеърларидан парчалар ўқиймиз. Ҳамза ўзбек совет театрининг асосчиларидан биридир. У театр соҳасидаги серқирра фаолиятини 1915 йилдаёқ она шаҳри — Қўқонда труппа тузишдан бошлаб, бутун-бутун ижодий коллективларни тузди. Бўлимда шоирнинг театр соҳасидаги ижодига ҳам катта ўрин берилган. Музей экспозицияси Ҳамзанинг Шоҳимардон даври ижоди ва Ҳамза номини абадийлаштириш борасида қилинган ишлар ҳақида ҳикоя қилиш билан якунланади. Музейга ташриф буюрган киши мазкур экспозициялар билан танишар экан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлади.

Баҳром УСМОНОВ,
Фарғона вилоят адабиёт музейининг бўлим мудири.

«Спутник» — ДЎСТИНГИЗ

Агар «Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси хизматидан бирор бир марта фойдалансангиз Сизнинг ҳақиқатан ҳам дўстингиз бўлиб қолиши аён.

«Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси фаолияти йўналишлари ранг-баранг. У Иттифоқимиз ички жумҳуриятлар маршрутларида, халқаро туристик марказларда совет ҳамда хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатади, мамлакатимиз йигит-қизларининг гуруҳларини хорижий элларга қизиқарли сафарларга юборади.

«Спутник» жаҳон 70 мамлакатининг 170 туристик фирмаси билан ҳамкорлик қилади. Шундан ҳам унинг хорижий маршрутлари турли-туман. Шу йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон ёшларининг бир қатор хорижий мамлакатларга — ГДР, Югославия, Польша, Чехословакия, Румыния, Болгарияга саёҳатлари ташкил этилади. Шунингдек, Ҳиндистон, Греция, Франция, Испания бўйлаб сафарлар, Ўрта ер денгизи бўйлаб саёҳат уюштирилади.

Жумҳуриятимиз ёшларининг хорижга бошқа ихтисослашган сафарлари ҳам ташкил этилади. Масалан, Сирдарё вилоятининг Боёвут ва Дўстлик, Фарғона ва Андижон вилоятлари бир қатор ноҳияларининг ёш пахтакорлари «Дўстлик» Бутуниттифоқ туристик поезди таркибида февраль ойида ГДР шаҳарлари бўйлаб саёҳат қатнашчилари бўладилар. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг ёш ходимлари гуруҳи март охирида Измаилдан Дунай саёҳатига йўл оладилар. Запасдаги байналмилал аскарлар май ойининг биринчи ярмида Польша, жумҳурият ички ишлар органларининг ёш ходимлари ГДР шаҳарлари бўйлаб анъанавий сафарга отланадилар.

Ўтган 1989 йил Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантириш борасида жумҳурият «Спутник» бюроси учун янги иш шаклларини излаш йили бўлди. Ана шу йўналишда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Қўмитаси «Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси билан ГДР эркин немис ёшлар иттифоқининг «Югендтурист» саёҳатлар бюроси ўртасида валютасиз тўғридан-тўғри йигит ва қизларни юбориш тўғрисидаги шартнома имзоланиши бўлди. Агар 1989 йилда шартнома доирасида Ўзбекистондан ГДРга 317 киши ёки 9 туристик гуруҳ юборилган бўлса, бу йил уларнинг миқдори 1124 кишини ёки 30 туристик гуруҳни ташкил қилади. Шунга мувофиқ тарзда Ўзбекистонда ГДРдан туристик гуруҳларни қабул қилиш миқдори ҳам ошади. Ўзбекистондан гуруҳлар тўғридан-тўғри Тошкент-Берлин-Тошкент авиарейслари орқали юборилади. Ўтган йил охирида «Спутник» Халқаро ёшлар туризми бюроси Тошкентдаги бир қатор ташкилотлар, муассасалар ва идоралар билан ана шу маршрутларда хизмат кўрсатишлари ҳақида шартнома тузилди.

Саёҳат апрель ойида бошланади. Унинг дастлабки қатнашчилари Тошкент авиаотряд бирлашмаси, Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, «Ўзбекистон» ҳамда «Меҳнат» нашриётлари, Ўзбекистон ССР Уй-жой-коммунал хўжалик министрлиги ва бошқа бир қатор корхоналарнинг ёш ходимлари бўладилар.

Хорижга туристик саёҳат умумий қиммати (йўлланма ва совет ҳамда хориж ҳудудларидаги йўл ҳақи) ҳар бир туристга 300 дан то 400 сўмгача тушади. Бунга совет пулини хорижий валютага алмаштириш миқдори кирмайди. Тошкентдан ГДР пойтахти Берлинга тўғридан-тўғри авиарейсда бориш ва қайтиш сафари ҳар бир сайёҳга 50-100 сўм қимматга тушади. «Спутник» ҳар қандай ҳолда ҳам туристларнинг йўл ҳақини, шу жумладан темир йўл ҳақини 50 фоизга чегириб ташлашига эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Ҳамма хорижий саёҳатни севади. Лекин жонажон ўлкамиз бўйлаб мароқли саёҳатлар ҳам хотирада ўчмас из қолдириши турган гап. Барча жумҳуриятларда ва вилоят марказларида, йирик шаҳарларда «Спутник» бюроси жойлашган. Шунинг учун ҳам «Спутник» йўли билан мамлакатимизнинг исталган нуқтасига саёҳат қилиш мумкин. Масалан, баҳорги таътил кунларида жумҳуриятимизнинг қарийб 2000 мактаб ўқувчиси Иттифоқ ички маршрутлари бўйлаб марказлаштирилган сафарларда қатнашадилар. Фарғона вилоятининг мактаб ўқувчилари Ивано-Франковск ва Москвада, Киев ва Минскда, Николаев ва Харьковда бўладилар. Қорақалпоғистонлик мактаб ўқувчилари Ашхобод, Вологда, Горький, Жамбул, Иваново ва Курск сафарларига йўл оладилар. Самарқандлик ўғил-қизлар Боку ва Москва, Киев ва Минск маршрутлари бўйлаб саёҳат қиладилар.

Меҳнат семестри қатнашчилари — талабаларнинг ихтисослаштирилган саёҳати январь-февралда Москва ҳамда Ленинградга уюштирилади.

«Спутник» йўли билан Совет Иттифоқи бўйлаб ташкил этиладиган барча саёҳатлар 30-40 кишидан иборат гуруҳлардан тузилади. Йўлланманинг баҳоси маршрутда бўлиш кунларига, сайёҳларни қабул қилиш шарт-шароитига боғлиқ ҳолда ҳар бир кишига 50-80 сўмга тушади. Бунга йўл ҳаражатлари кирмайди. Дам олиш зоналарига бир кунлик саёҳат эса 8-10 сўмни ташкил этади.

«Спутник» туристик марказлари йигит-қизлар ўртасида кенг оммавийлик касб этган. Бундай марказлар мамлакатимизда 19 та. Уларнинг ҳаммаси хушманзара ерларга жойлашган. Йилнинг исталган фаслида ана шу марказларда ҳордиқ чиқариш ҳар бир саёҳатчида катта таассурот қолдиради.

Шу йилнинг дастлабки беш ойи мобайнида Ўзбекистоннинг 1,5 мингдан зиёд йигит ва қизи ана шундай марказларда ҳордиқ чиқаради. Улар Эстониядаги «Ноорус», Москва яқинидаги «Жемчужина», Сочидаги «Спутник», Минскдаги «Юность», Карпатортидаги «Верховина», Ивановскдаги «Берёзовая роща» ва бошқа туристик марказларда бўладилар.

Туристик марказга йўлланма хизмат кўрсатиш билан бирга қўшганда ўртача баҳоси 120 сўмни ташкил этади. Бунга йўл ҳаражатлари кирмайди.

Йўлланмаларнинг бор ёки йўқлиги, саёҳатга жўнаш муддатлари, сафарнинг шарт-шароитлари ва бошқа ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан Ўзбекистон комсомоли вилоят қўмиталарининг «Спутник» халқаро ёшлар туризми бюросига мурожаат этиш билан билиб олишингиз мумкин. Қуйида жумҳурият вилоят, шаҳар ва ноҳия комсомол қўмиталарининг телефонларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

— **ТОШКЕНТ**да: 56-33-17; 56-33-19

— **АНДИЖОН**да: 5-45-81

— **БУХОРО**да: 3-63-41; 3-65-71

— **ЖИЗЗАХ**да: 3-32-79; 3-07-79

— **НУКУС**да: 2-58-66; 4-18-78

— **ҚАРШИ**да: 4-44-35

— **НАМАНГАН**да: 6-83-93

— **САМАРҚАНД**да: 3-16-76; 3-08-56, 3-36-84

— **ТЕРМИЗ**да: 2-78-18

— **ФАРҒОНА**да: 4-28-40; 4-93-23

— **УРГАНЧ**да: 6-26-27.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК



Куни кеча Испания Коммунистик Ёшлар Иттифоқи билан Ўзбекистон Ёшлар ташкилотлари қўмитаси ўзаро ҳамкорлик декларациясини қабул қилдилар. Жумҳурият ёшлар ташкилотлари қўмитаси билан Испания Коммунистик Ёшлар Иттифоқи ўзаро ахборотлар, расмий делегациялар алмашиш, ёшларнинг ўқиши, иш фаолияти, дам олиши хусусида ҳикоя қилувчи видеопрограммалар билан тенгдошларини таништириб бориш, ёш ижодкорлар коллективлари билан алмашиб туриш, Ўзбекистон ва Испания ёшларининг дўстлик ташрифларини ташкил этиш каби масалаларни амалга оширишни келишиб олдилар.

Хуллас, Испания Коммунистик Ёшлар Иттифоқи билан Ўзбекистон ёшлар ташкилотлари қўмитаси келажакда ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириш борасида илк қадам ташладилар.

* * *

Ташриф кунларида Испания Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг халқаро алоқалар бўйича котиби Оскар Горилеро ҳамда Каталония Коммунистик ёшлари котиби Хоакин Мэстре билан суҳбатлашдик.

Жумҳурият ёшлар газеталари мухбирлари делегация аъзоларига ўз нашрлари ҳақида қисқача гапириб бердилар ҳамда уларга бир неча саволлар билан мурожаат этдилар.

— Сизларнинг ташкилотларингиз Испанияда ўз матбуот органларига эгами?

— Ҳа, — дейди Оскар Горилеро, — бизда икки ойда бир марта чоп этиладиган «Манифьесто» газетаси бор. У 16 саҳифада чиқади.

— Каталонияда ёшларимизнинг «Жувенте» — «Ёшлар» журнали чиқиб турибди, — дейди Хоакин Мэстре. — У каталон тилида чиқади, бироқ испан ёки француз тилини биладиганлар қийналмасдан ўқий оладилар.

— «Манифьесто» ҳамда «Жувенте» ўз саҳифаларида қандай материалларга кўпроқ ўрин бермоқда? Унинг режалари, муаммолари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсаларингиз?

— Бизда асосан, янгиликлар, ёшлар ҳаёти билан боғлиқ бўлган қизиқарли хабарлар босилади. «Манифьесто» ҳозир қийин даврларни бошидан кечирмоқда. Газетани сотиш муаммо бўлиб қолди. Испания матбуоти ўртасида жуда катта рақобат бор.

— «Жувенте» журнали ҳам ёшларники. Шу боис ёшлар учун нима қизиқроқ бўлса, ўша мавзулар кенгроқ қамраб олинмоқда. Журнал ишини янада такомиллаштириш борасида изланишлар олиб борилаяпти.

— Бизда шундай таклиф бор: ёшлар нашрлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатсак, имкони борича унинг саҳифаларида Испания ва Ўзбекистон ёшлари ҳақида ҳикоя қилиб борилса...

— Жуда яхши. Бу таклифларингиз бизга маъқул бўлди, — дейишди суҳбатдошларимиз бир овоздан. — Испанияга боргач, албатта бу ҳақда матбуотимиз ходимларига айтамиз.

Муҳаммад АМИН.

СУРАТДА: Оскар Горилеро билан Ўзбекистон ёшлар ташкилотлари қўмитаси раиси Акмал Саидов шартнома лойиҳасини имзоламоқда.

ТВ

25 ЯНВАРЬ — ПАЙШАНБА

● ЎзТВ I

11.30 Табиатшунослик. Табиатда сувнинг айланиши. 12.00 «Злобинга культиваторнинг нима кераги бор». Илмий-оммабоп фильм. 12.30 Жамиятшунослик. Социалистик жамиятнинг хўжалик механизми. 13.00 «Оқ йўл, «Зангори қушча». Бадиий фильм.

* * *

17.30 «Сўз ва иш бирлиги». Телефильм. 18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Менга сўз беринг». XXV Тошкент вилояти комсомол конференциясининг делегатлари билан учрашув. 19.00 «Деҳқон юмушлари». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Муҳим босқич». ЎзССР халқ депутатлигига сайловлар ҳақида. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Камолот сари». ҚҚАССР Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Замира Хўжаназарова ва Қодир Жўрақулов. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Бўстон». Тележурнал. 23.20 Янгиликлар. 23.25 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

19.00 Ўсмирлар учун. «Ровесник» (рус тилида). 19.50 Глинка номли Бутуниттифоқ конкурси лауреатлари — меҳмонимиз. 20.20 Реклама. 20.35 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Айни ҳаракат пайти».

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Эл чеберлер союзу эмнеге муктаж? 22.40 «Киял» бирлашмаси ходимларининг талабларига биноан концерт. 23.10 «Инқилоб фуқаролари». Бадиий фильм, субтитр билан (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 Мультфильмлар: «Гугуце», «Гугуценинг партаси», «Гугуце — почтальон». 9.25 «Ўтмишга дахлдор». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 10.40 «Владимир Висоцкий. Монолог». 11.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 12.55 «Коллаж» (реклама, эълонлар, ахборот). 13.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 13.30 «Бунинг йўлини қаердан излаш керак?». Ҳужжатли фильм премьераси («Туркманфильм»).

* * *

16.00 Болалар учун фильм. «Лома» («Грузияфильм»). 17.15 Телевизион ҳужжатли фильмлар: «Сайловларда қандай қилиб ютқазиб қолиш мумкин», «Паром ҳайдовчи аёллар». 17.45 Студиямизда А. Мельников (фортепьяно). 18.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 19.30 Муҳим масалада суҳбат. «Ҳар кунги ҳокимият». Тамбов областида янги сайловларга тайёргарлик кўришда маҳаллий Советларнинг иш тажрибалари ҳақида. 20.15 Шеърият лаҳзалари. 20.20 «Юз эллик йилга баробар йўл». Садовскийлар сулоласи ҳақида. 21.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 22.00 «Турар жой-2000» ҳаракати. 4-кўрсатув. 23.00 Эфирда мусиқа. 01.00 «Волганинг олтин туби». Телевизион ҳужжатли фильм.

● МТ II

12.55 Ритмик гимнастика. 13.25 Такрорий телефильмлар сеанси. «Нон азиз». 3-серия.

* * *

17.30 «Полиздаги эчки». Мультфильм («Ўзбекфильм»). 17.40 Судхарани Ражхупати рақсга тушади (Ҳиндистон). 18.05 Бошқирдистон АССР Давлат телерадиоси. Бошқирдистон телевидениесининг кўрсатувлари. 19.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 19.30 «Умр учиб ўтди». В. Висоцкий Чечен-Ингушияда. Грозний шаҳридан кўрсатилади. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Соатда яшовчи». Мультфильм. 20.45 Ритмик гимнастика. 21.15 «Яна бир бор севги ҳақида». Концерт. 22.00 «Жаннатда қиш». Телевизион бадиий фильм премьераси («Экран»). 01.00 Баскетбол. Р. Корат кубоги. Эркаклар. МАСК — «Фонола» (Италия).

«Ёш ленинчи»
МАНЗИЛИМИЗ: 700083 ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ
ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 33-56-58,
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 33-54-65.
ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ НАШРИЁТИНИНГ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ БОСМАХОНАСИ
Д — 2317.
Р — 03055.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.